45 8 - ИЮН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 127 (5418)
6 ИЮНЬ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Монгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 4 июнь куни Кремлда РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушескуга Октябрь Революцияси орденини топширди.

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 4 июль куни Кремлда РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску билан суҳбатлашди. Самимий, ўртоқлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

● ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИГА РЕПОРТАЖ

ҲАМИША ХАЛҚ ҚАЛБИДА

Республикамизда пушкинхонлик кунлари очилишидан

А. С. Пушкин номи билан аталаётган майдондаги шоир ҳайкалини ранг-баранг гуллар ўраб олган. Шеърият мухлислари рус адабиёти даҳосига таъзим ва ташаккур билдириш, эҳтиром ва муҳаббатлари рамзи сифатида ҳайкали пойига гуллар қўйиш учун бу ерга йиғилдилар. 5 июнь соат 17... Ҳайкал пойига йиғилган шоир ва ёзувчилар, шеърият мухлислари майдон бўйлаб таралаётган шоир мисраларига қулоқ тутиб турибди. «Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга...» Александр Сергеевич Пушкин туғилган куннинг 185 йиллигига бағишланган шеърият байрами Пушкинининг ана шу мисралари билан тантанали равишда очилди.

Тантанали куй садолари остида ҳайкал пойига гуллар ва гулчамбарлар қўйилмоқда. Уларни республиканинг таниқли сўз усталари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари қўйишмоқда.

Анъанавий байрамни Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи пушкинхонлик кунларини ўтказиш комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Тўроб Тўла очди. У ва шеърият байрами очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, ёзувчи Зоя Туманова Пушкин ижодининг улкан аҳамияти ҳақида гапирдилар. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Б. С. Пармузин, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси М. Қўшжонов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати шоира Ҳалима Худойбердиева ва республиканинг бошқа таниқли шоир ва ёзувчилари анъанавий пушкинхонликнинг тантанали очилишида иштирок этдилар.

... Яна музика садолари янграйди. Тошкент Давлат консерваториясининг дирижер М. Усмонхўжаева раҳбарлигидаги опера студияси оркестри бадиий қисмни бошлаб берди. Йиғилганлар Глинканинг «Руслан ва Людмила» операсига ёзган увертюрасини, А. Бекмеев ва Ш. Тўхтабоевалар ижросидаги «Евгений Онегин» операсидан дуэтни, Ҳамза номидаги музика билим юрти ўқувчилари, Тельман номли маданият ва истироҳат боғи духовой чолғу оркестри ижросида Пушкин асарлари асосида яратилган музика асарларини тингладилар. Яна ва яна Пушкининг ўлмас мисралари турли тилларда жаранглади. Уларни ёзувчилар ва ўқувчилар, ишчилар ва студентлар ўқишмоқда. Тошкент Давлат маданият институти иккинчи курс студенти Симоне Маундуни йиғилганлар айниқса қизғин кутиб олишди. Икки йил муқаддам у Мозамбикдан Тошкентга ўқигани келган эди. Рус тилини мукаммал даражада эгаллаб олган Маунду Пушкининг шеърларини ҳаяжон билан ўқиди.

...Пушкин номи билан аталувчи хиёбонда янграган музика ва шеърлар ҳам, турфа гуллар ҳам шу майдондан республиканинг турли бурчакларига йўл оладиган Пушкин шеъриятн байрамига бетакрор жозиба бахш этди.

Ю. КАЗАЧЕНКО.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— РЕСПУБЛИКА ЮБИЛЕЙИГА

● *Беш йиллик илғорлари*

ИНТИЗОМ ШАРОФАТИ

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларини шараф билан амалга ошираётган бадиий буюмлар фабрикаси коллективи республика юбилейини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун жонбозлик кўрсатмоқда. Бу ерда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган. Коллектив ўтган йили пландан ташқари 370 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлган эди. Фабрика ихтисослаштирилган участкада фойдаланиш машинасозларга 650 тонна зангламайдиган пўлатни тежаб қолиш имконини берди. Ана шу пўлат ўрнини пластмасса эгаллади.

Трактор двигателлари учун инерцион пластмасса ҳаво тозалагичларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳам каттагина самара келтирди. Ана шу йўналишдаги изланишларни «Технолог»нинг ижодий группаси «Минск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борди. Биргаликдаги изланишларнинг самараси натижасида ҳар йили 150 тонна металл иқтисод қилинадиган бўлди.

Олтой мотор заводида металл ҳаво тозалагичларни пластмасса тозалагичлар билан алмаштириш металл сарфини 540 тоннага камайтириш, давлатга ҳар йили қарийб 300 минг сўм иқтисод қилиб қолиш имконини беради.

Суратда: (чапдан ўнгга) конструкцион пластмасса бўлимининг мудири Ю. С. Шокуров, пластмасса деталлари бўйича бош конструктор, техника фанлари кандидати Л. М. Абрамов ва «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи конструктори Л. Д. Кацеленбоген янги конструкциядаги инерцион пластмасса ҳаво тозалагич устида изланиш олиб боришмоқда.

В. Казанцев фотоси. (ЎзТАГ).

БРИГАДА ҲИММАТИ

Тошкентдаги 1-автомобиль ремонти заводида меҳнат қилаётган Василий Александрович Гриднев бошлиқ слесарь-йиғувчилар бригадаси республикамизнинг 60 йиллик катта тўйи шарафига муносиб меҳнат совғасини ҳозирлади. Бригада йил бошидан буён «ЗИЛ—130» автомобилларнинг икки минг беш юздан зиёд двигателини ремонтдан чиқариб берди. 23 кишидан иборат бўлган бу бригада республика пойтахти ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббусини қўллаб-қувватлади ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришга аҳд қилган.

Йиғувчилар бу йил 6 минг 175 автомобиль двигателини тиклаб берадилар. Бу республика юбилейи шарафига тайёрланадиган муносиб меҳнат армуғони бўлади.



«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг моҳир электр монтажчиси В. А. Валетова бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини адо этиш мажбуриятини қабул қилган эди. Аҳдига вафодор ишчи шу кунларда 1987 йилнинг сўнгги ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. В. А. Валетова юксак унумли меҳнат қилиш билан бирга Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида катта жамоатчилик ишларини ҳам олиб бормоқда.

СУРАТДА: В. А. Валетова.

А. Жданов фотоси.

Завод... тежалди

Ўзбекистоннинг ёғ заводлари қўшимча қувватларни ишга туширмай, йил бошидан бери ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўн минг тонна кўп чигит ёғи тайёрладилар. Шунча миқдорда қимматли озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш учун бугун бир завод керак бўлган бўлур эди.

Ёғ заводлари ходимлари технологияни такомиллаштириш, мавжуд резервлардан фойдаланиш ҳисобига шундай ўсишга муваффақ бўлдилар. Биринчи навбатда корхоналарда келаётган хом ашё устидан назорат кучайтирилди. Мавсум бошланганига қадар ёғ заводларида чигит лабораториялари ташкил этилди. Улар чигит мойлилигини, намлигини тез аниқлаб берадиган приборлар билан жиҳозланди. Хом ашё сифатини аниқ таърифлаш ҳар бир тонна чигитдан қанча ёғ олиш мумкинлигини ишонарли прогноз қилиш имкониятини берди.

Чигитни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш ҳам салмоқли ҳисса қўшди.

Республиканинг ёғ заводлари ходимлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб, зиммаларидаги социалистик мажбуриятлари ҳисобига йил бошидан бери пландан ташқари 7 минг тонна чигит ёғи реализация қилдилар.

(ЎзТАГ).

СССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ ВА СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

РУС ШОИРИ А. С. ПУШКИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 185 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЭСДАЛИК ТАНГАСИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Рус шоири А. С. Пушкин туғилган куннинг 185 йиллиги муносабати билан 1984 йил 6 июнда қиймати 1 сўм бўлган эсдалик тангаси муомалага чиқарилади.

Қиймати 1 сўм бўлган эсдалик тангаси оқ рангли мис-никель қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 31 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Танганинг ўнг ва тескари томонларида айлана бўйлаб ҳошия чиқарилган.

Танганинг ўнг томонида СССР Давлат герби жойлаштирилган бўлиб, «СССР», «1 рубль» ва «1984» деган ёзувлар бор.

Танганинг орқа томонида А. С. Пушкининнинг қабартма тасвири туширилган ва унинг ўнг томонида «1799» ва «1837» саналари, қуйи қисмида эса «А. С. Пушкин» деб ёзилган.

Танганинг қиррасига «Один рубль» сўзлари икки жойга чуқур қилиб ёзилган бўлиб, улар бир-биридан икки нуқта билан ажратиб қўйилган.

Рус шоири А. С. Пушкин туғилган куннинг 185 йиллиги муносабати билан муомалага чиқарилаётган эсдалик тангасини ҳозирги вақтда муомалада бўлган тангалар билан бир қаторда давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва айрим шахсларнинг ҳамма турдаги тўловлар учун, шунингдек банклар, омонат кассалари ва Алоқа министрлиги корхоналарининг жорий, ҳисоб-китоб счётларига, омонатларга, аккредитивларга қабул қилиб олиш ва пул ўтказиш учун ҳеч қандай чекланмаган миқдорда қабул қилиб олишлари шарт.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОЗАМБИКДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева бошчилигидаги КПСС партия ходимлари делегацияси Мозамбик Халқ Республикасидан Москвага қайтиб келди. Делегация КПСС билан ФРЕЛИМО партияси ўртасидаги партиявий алоқалар планига мувофиқ Мозамбик Халқ Республикасида бўлди.

Совет Иттифоқидан борган меҳмонларни ФРЕЛИМО партиясининг Раиси, МХР Президенти С. Машел қабул қилди. У Мозамбик халқининг революцион ғалабаларини мустаҳкамлаш учун Совет Иттифоқи бераётган беғараз ёрдам алоҳида аҳамият эга эканлигини таъкидлади. С. Машел КПСС билан ФРЕЛИМО партияси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш зарур, деди.

Делегация марказда ва жойларда Мозамбикнинг партия раҳбарлиги вакиллари билан учрашди ва суҳбатлашди, бир қанча саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида бўлди. Нампула вилоятига сафар қилди.(ТАСС).

ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, олимлар, мелиораторлар, механизаторлардан бир группасига 5 июнь куни Тошкентда тантанали вазиятда СССРнинг 1983 йилги Давлат мукофотлари топширилди. Улар Ўрта Осиё чўлларини комплекс ўзлаштириш методларини ишлаб чиқиб, жорий этганликлари учун шу мукофотларга сазовор бўлдилар. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ленин мукофоти ва Давлат мукофоти комитетининг илмий секретари профессор В. Н. Четвериков П. Х. Кан, И. Л. Зимон, У. Х. Мажидов, Г. В. Лихошерстов, Ж. П. Полвонов, П. А. Сивоконев, Б. Ражабовга мукофотлар топширди.

Давлат мукофотларини топшириш чоғида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси новаторлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи ўтган даврида ишлаб чиқаришга қарийб икки миллион сўмлик фойда қўшдилар. Бу эрда асосий ишлар техникани такомиллаштириш, металл деталларини пластмасса билан алмаштириш йўналишида олиб борилди. «Технолог» мутахассисларининг Украина ССР Фанлар академияси ўта қаттиқ материаллар институти билан ҳамкорликда олиб борган изланишлари кимматбаҳо материаллар сарфини камайтиришга, ишончли ва узоқ муддатли олмос кукунларидан ясалган асбоблар одатдаги асбоблардан пишиқроқ бўлиши билан бирга буюмларга ишлов бериш сифатини сезиларли даражада оширди. Улардан Ўзбекистон ва бошқа қардош республикаларнинг корхоналарида муваффақиятли фойдаланиляпти. Мана шу янгиликнинг жорий этилишидан олинадиган иқтисодий самара 1 миллион сўмдан зиёдроқни ташкил этади.

Бирлашма рационализаторлари ва ихтирочиларига қишлоқ хўжалик машиналарининг мураккаб шакл ва катта ҳажмдаги деталларини пластмассадан тайёрланишини йўлга қўядиган ротацион қурилма яратиш учун кўпгина техник проблемаларни ҳал этишга тўғри келди. Конструкторларининг ана шу изланишларига «Узбекгидромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида юксак баҳо берилди. Янги ускуналар ихтисослаштирилган участкада фойдаланиш машинасозларга 650 тонна зангламайдиган пўлатни тежаб қолиш имконини берди. Ана шу пўлат ўрнини пластмасса эгаллади.

Трактор двигателлари учун инерцион пластмасса ҳаво тозалагичларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳам каттагина самара келтирди. Ана шу йўналишдаги изланишларни «Технолог»нинг ижодий группаси «Минск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борди. Биргаликдаги изланишларнинг самараси натижасида ҳар йили 150 тонна металл иқтисод қилинадиган бўлди.

Олтой мотор заводида металл ҳаво тозалагичларни пластмасса тозалагичлар билан алмаштириш металл сарфини 540 тоннага камайтириш, давлатга ҳар йили қарийб 300 минг сўм иқтисод қилиб қолиш имконини беради.

Суратда: (чапдан ўнгга) конструкцион пластмасса бўлимининг мудири Ю. С. Шокуров, пластмасса деталлари бўйича бош конструктор, техника фанлари кандидати Л. М. Абрамов ва «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи конструктори Л. Д. Кацеленбоген янги конструкциядаги инерцион пластмасса ҳаво тозалагич устида изланиш олиб боришмоқда.

В. Казанцев фотоси. (ЎзТАГ).



Коллектив ролини ошириш

Кеча Тошкентда шаҳар ўртоқлик суди раислари ва аъзоларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари асосида ўртоқлик судларининг профилактика ишларини активлаштириш бўйича вазифалари муҳокама этилди. Кенгашда олий партия анжуманлари қарорлари билан совет халқи олдига коммунизм қурувчилари авлодини тарбиялашдек аниқ вазифалар қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу муҳим ишда жамоат ташкилотлари, жумладан корхоналар, олий ва махсус ўқув юртлари, уй бошқармалари, маҳаллаларда тузилган ўртоқлик судлари катта роль ўйнамоғи лозим. Ўртоқлик судлари меҳнаткашларда меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялашга, уларда ижодий активликни ривожлантиришга, онгли интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашга даъват этилган.

Семинар-кенгаш Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети юстиция бўлими бошлиғи Ж. Қ. Қосимов доклад қилди. Нотиқ Меҳнат коллективлари тўғрисида СССР Қонунига мувофиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни бошқаришда коллективларнинг роли анча ошганлигини таъкидлаб ўтди. Ўртоқлик судларининг вазифалари ҳуқуқ бузилишларнинг олдини олиш, бундай бузилишларга йўл қўйганларни қайта тарбиялаш бўйича тегишли чораларни амалга оширишдан иборат.

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитети раиси ўринбосари З. А. Алавутдинов, «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонаси ўртоқлик судининг раиси Ф. Иброҳимов, Чилонзор районидаги 46-ЖЭК ўртоқлик суди раиси Н. И. Озеров ана шу йўналишдаги иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкентда «Международная жизнь» журнали ўқувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Кўпсонли журналхонлар билан бўлган бу қизиқарли учрашувда журнал бўлим мудирининг ўринбосари, РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими Юрий Георгиевич Лосев, журнал консультанти, тарих фанлари кандидати Виталий Васильевич Петрусенко тўпланганларга журнал ижодий коллективининг олиб бораётган ишлари, келгусидаги режалари тўғрисида, халқаро аҳволга доир энг муҳим проблемалар ҳақида сўзлаб беришди.

Журнал ходимлари учрашув қатнашчиларининг кўплаб саволларига жавоб беришди. Москвалик меҳмонлар пойтахтимизнинг корхоналарида, олий ўқув юртлари ва муассасаларида бўладилар, меҳнат коллективлари билан учрашадилар.

Н. ИСОҚОВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкентдаги санитария-техника буюмлари заводида маҳсулотнинг янги турини ўзлаштириш бошланди. У биноларидаги санитария-техника системалари учун мўлжалланган пластмасса жиҳозларидир. Илгари корхона пластмассали буюмлар ишлаб чиқармас эди. Бундай маҳсулотлар узоқ шаҳарлардан ташиб келтирилар эди.

●

Шаҳримиздаги 1, 6 ва 14-троллейбусларда қатновчи вагонларнинг 50 тасида метродаги каби бекатларни аниқ ва равон эълон қиладиган информаторлар ўрнатилиб, ишга туширилди.

●

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг техника ва маданият саройида Рига шаҳридан меҳмон бўлиб келган чолғу ансамблининг гастролари бошланади. Меҳмонлар қадимий музика асарларини ижро этиб, ўз маҳоратларини намойиш этишади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 21 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли бўлса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 13—18, кундузи 30—35 даража иссиқ бўлади.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ТАРИХНИ СОХТАЛАШТИРИШГА ҚАРШИ

Иттифоқчилар қуролли кучларининг Шимоли Ғарбий Франция территориясидаги Нормандия десант операциясининг 40 йиллиги яқинлашаётган сари Ғарб матбуотида иттифоқчиларнинг ана шу ва ундан кейинги операцияларни аҳамиятини ҳар томонлама бўртиртириб кўрсатиш ва айни вақтда Совет Иттифоқининг фашистлар Германиясини тор-мор келтиришдаги ҳал қилувчи ролини камситишга қаратилган кенг пропагандистик кампания авж олдирилмоқда. Маълумки, Нормандия десант операцияси билан Европада иккинчи фронт очилган эди. Англияда тайёрланган китобнинг муаллифи М. Хастингс Нормандия операциясининг «беқиёслигини» баён этиб, бу операция «ҳайратга соладиган даражада муваффақиятли амалга оширилганлигини» ва душман учун «қақшатғич» зарба, бинобарин — уни тор-мор келтиришда ҳал қилувчи операция бўлганлигини таъкидламоқда. Бироқ яхши маълумки, Совет — Германия фронти бутун иккинчи жаҳон уруши давомида биринчи, асосий ва ҳал қилувчи фронт бўлиб келди. Немис-фашист армияси бутун талофатларининг тўртдан уч қисми худди шу фронтга тўғри келади.

Иттифоқчилар қўшинлари урушда Совет Иттифоқи фойдаси томон туб бурилиш юз бериб, Қизил Армия ҳал қилувчи ғалабаларни қўлга киритаётган шароитда — 1944 йил 6 июнда Европага туширилди. Совет Иттифоқи 1943 йил охирига келиб стратегик ташаббусни ўз қўлида мустаҳкам сақлаб, иттифоқчиларнинг ёрдамисиз ҳам гитлерчилар Германиясини узил-кесил мағлубиятга учрата олиши мумкинлигини исбот қилди.

Ғарбда Гитлерга қарши иккинчи фронтни ташкил этиш тўғрисидаги масала 1941 — 1943 йиллар давомида кўп марта ўртага қўйилди. Бироқ, Англия ва АҚШ ҳукмрон доиралари 1942 йилда Европада иккинчи фронт очиш тўғрисида аниқ аҳдлашиб олинганлигига қарамай, ўз зиммаларига қабул қилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиб келдилар. Бу мажбуриятлар шундан кейинги йилда ҳам бажарилмади. Ваҳоланки, 1942 йилдаёқ АҚШ ва Англия қуролли кучларида қарийб 10 миллион киши бор эди. Ҳарбий-сиёсий вазият бу кучлардан фашистлар Германиясига қарши ҳал қилувчи зарба беришда фойдаланишни тақозо этаётганлигига қарамай, иккинчи фронтни очиш узоқ вақт пайсалга солинаверди. Бунда Совет Иттифоқини иложи борича заифлантириш ва ҳолдан тойдириш, шунинг ҳисобига эса ўз кучларини талофатсиз сақлаб туриш, улардан ҳарбий-стратегик ва сиёсий мақсадларда фойдаланиш кўзда тутилди.

Совет Қуролли Кучларининг Теҳрон конференциясидаги аҳдлашувга мувофиқ бутун 1944 йил давомидаги қудратли ҳужуми иттифоқчиларга иккинчи фронтни очишда муваффақиятга эришишда ёрдам берди. Бунда Франция Қаршилик кўрсатиш кучларига берган ёрдамни ҳам унутмаслик керак.

Умуман иккинчи фронтнинг очилиши муштарак ғалабани тезлаштиришда ва Европани фашистлар зулмидан озод қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Совет Иттифоқининг ташаббуси билан гитлерчиларга қарши коалиция ташкил этилганлиги — турли социал тузумдаги халқлар ва давлатларнинг умумий душмани — фашизмга қарши курашда самарали ҳамкорлигининг ибратли намунаси бўлиб қолди.

АҚШ ва НАТОнинг тарихни сохталаштириш йўлида қилаётган ҳозирги уринишлари уларнинг агрессив, милитаристик йўли билан Рейганнинг «коммунизмга қарши салб юриши» билан, Ғарбий Европани ядро аслаҳаларига ва Америка ядро ракеталари учириладиган майдонга айлантириш режалари билан яқиндан боғланган. Бу йўл жуда катта машаққатлар эвазига қўлга киритилган тинчликни хавф остига қўймоқда. Совет Иттифоқи бу агрессив йўлга урушнинг олдини олиш, қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ҳамкорлик қилиш изчил сиёсатини қарама-қарши қўймоқда.

И. ЛАПИЦКИЙ.
(ТАСС).

• Беш йиллик илғорлари

ИБРАТЛИ ИБОДАТ

Ибодат «Саодат» журналини варақлаб туриб, илғор тўқувчи ҳақида ёзилган очеркка кўзи тушди. Уни ўқиб чиқиб, аввалига тўқувчига ҳаваси келди. Дам ўтмай, ўз-ўзига ишонч билан «мен ҳам шундай бўламан» деди. Очерк тўқувчилик касби ҳақида яхши таассурот қолдирганди. Орзунинг кечи бўлмайди.

Мактабни битирар экан, Ибодатга тўқувчиликдан бошқа касбнинг қизиғи йўқдай туюла бошлади. Ширин хаёллар билан шу касбга меҳр боғлаганини ўзи ҳам сезмай қолди.

У «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга кирди. Цехдаги илғор тўқувчи Шоира Холмуҳамедовага шогирд бўлиб тушди. Ибодатнинг тез ва чаққон ҳаракати, камгаплиги ва синчковлиги мураббийга ёқиб қолганди.

Мана, Ибодатнинг тўқувчилик касбини ўрганиб олганига ҳам 7 йил бўлибди. У ҳозирги кунда бирлашманинг энг илғор тўқувчилари қаторидан ўрин олган. Ҳамкасбларининг меҳр тўла кўзларидан Ибодатга ҳавас билан қараётганликлари сезилади.

Бирлашма раҳбарлари И. Турсунованинг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги ва ташкилотчилигини сезиб, комсомол ишларига жалб этишди. Маъмурият адашмаган эди. У цех бошланғич комсомол ташкилотининг бюроси аъзолигига сайланди. Энди Ибодат кўзга кўриниб қолганди. 1981 йили бошланғич комсомол ташкилотига секретарь бўлди. Тошкент политехникумига ўқишга йўлланма беришди. У цехдаги 100 га яқин комсомолларга бош бўлиб меҳнат унумдорлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш соҳасида анчагина ибратли ишларни амалга оширди.

Албатта, И. Турсунованинг ўзи меҳнатда шахсий намуна кўрсатди. Ибодатнинг меҳнатда қўлга киритаётган ютуқлари катта. У ўтган ой планини 117 процент бажарди. 1753,1 килограмм аъло сифатли мато тўқиди.

Тўқувчининг ҳаёти қувончли, қизиқарли воқеаларга, ютуқларга бой... У 1982 йили КПСС аъзолигига қабул қилинди. Ўша йили Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи ва «Олтин қўлли мастер» нишони билан тақдирланди. Техникумни муваффақиятли тамомлади.

И. Турсунова ишчан ва камтарин, ростгўй ва принципиал қизларимиздан, — дейди цех бошланғич партия ташкилоти секретари А. Аъзамов. — Элда меҳнат қилган бахт топар, деган нақл бор. Ибодат ҳам меҳнатда бахт топганлардан. Яқинда цех коммунистлари Ибодат Турсуновага катта ишонч билдиришиб, уни партия ташкилоти бюросига аъзолигига номзод қилиб кўрсатишди. Ҳозирги кунда у бизнинг ишончли ёрдамчимиз ва севимли синглимиз бўлиб қолди.

Бирлашмада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ибодат Турсунова ишлаётган тўқув цехи ишчилари 1-квартал планини 101,1 процентга адо этдилар. 176320 ўрнига 178320 килограмм трикотаж матоси тайёрланди. Бу ишда албатта И. Турсуновани ҳам улуши катта.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.





В. И. Ленин Марказий музейининг 60 йиллиги

ҚАЛБГА ЯҚИН ДУРДОНАЛАР

МОСКВА. В. И. Ленин Марказий музейи ташкил этилганига 60 йил тўлди. Музей коллективи Ленин ғояларини, Коммунистик партия ва Совет давлатининг тарихи ва сиёсатини пропаганда қилиш бўйича катта ишларни олиб боряпти. Фақат сўнгги ўн йил ичида бу ерда 2 мингдан зиёд оммавий тадбирлар уюштирилди, юзга яқин виставкалар ўтказилди. 60 йил давомида музейни 50 миллиондан зиёд киши зиёрат қилиб кўрди. Уларнинг орасида мамлакатимиз барча миллатларининг, 120 дан зиёд чет давлатларнинг вакиллари бор.

«В. И. Ленин Марказий музейи — 60 ёшда» виставкаси мамлакатимиз бош музейининг тарихи, унинг доҳий ғоявий-назарий меросини пропаганда қилишдаги роли, оташин революционерининг ҳаёти ва фаолияти мисолида меҳнаткашларни тарбиялаш ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТЛАРДА: В. И. Ленин марказий музейи; музей залларида.

Ю. Лизунов ва Б. Кавашкин фотоси. (ТАСС).

• *Янгича анъаналар — ҳаётимиз кўрки*

«Биринчи қадам»

Халқимизнинг ўзига хос, ранг-баранг урф-одатлари борки, улар авлоддан-авлодга ўтиб келади. Ҳеч қачон эскирмайди. Айтайлик, оилада фарзанд туғилди. У вояга етгунча бир қанча тадбирлар ўтказилади.

Шуларнинг энг характерлиси «Биринчи қадам»дир. Бунда бола она Ер кўксига илк бор қадам қўйиб, юра бошлайди. Ота-она фарзандининг бу қадами қутлуғ бўлишини, боланинг оёқ босган ери обод бўлишини, тинчлик бўлишини истаб орзу қилишади.

Урф-одатларимизга замонавий тус бериш, уларни янада ривожлантириш борасида Тошкент Давлат маданият институтининг болалар адабиёти ва маданий оқартув ишлари методикаси кафедраларида бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда шу институт олими, педагогика фанлари кандидати Усмон Қорабоев раҳбарлигида В. Котик номли болалар истироҳат боғининг ёзги саҳнасида қизиқарли «Биринчи қадам» байрами ўтказилди. Маросимга истироҳат боғи атрофидаги болалар муассасалари, мактабларнинг кичкинтойлари, ота-оналар, кексалар таклиф этилди.

... Эртаклар оламига бурганган саҳна. Болалар даврасида 65 ёшга кирган, 30 набирали Шарифа опа жажжи кичкинтойни қўлларидан ушлаб юришга чорлайди. Сўнгра 49-мактабнинг 2-«А» синф ўқувчилари қўшиқлар айтишиб, ўйинга тушадилар. Байрам охирида болаларга қўғирчоқ спектакли кўрсатилди.

— Ўтказилаётган бу тадбирларнинг энг қувончли томони шундаки, — дейди Усмон Ҳосилович ёш болалар билан суҳбатда,— улар кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Биз буни Сирдарё области болалар боғчасида, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районида ўтказган тантаналарда ҳам билдик. Асосий мақсадимиз янгича урф-одатларимизни ривожлантиришдан иборат. Бунда албатта болаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Уларнинг мазмунли дам олишларига, янги таассуротлар олишларига ҳаракат қилинади.

Бу тадбирларнинг ўтказилишига маданий-оқартув ишлари методикаси кафедрасининг ўқитувчиси Ш. Қодирий раҳбарлигида студентлар ҳам жалб этилган. Айниқса, 1-курснинг аълочи ва жамоатчи студенти Гулчеҳра Назармуҳамедова актив иштирок этмоқда.

Кафедрамиз Котик номли болалар истироҳат боғини оталиққа олган. Мақсадимиз —у ерда болалар учун қизиқарли янгича маросимлар ташкил этишдир. Келгуси режаларимизни белгилаб олганмиз. Ўйлаймизки, ўтказаётган тадбирларимиз келгусида маҳаллаларда давом этади.

А. БЕРДИМУРОДОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

Ёлғон баҳоналар

Уйимизни 1975 йилда қурувчилар битказиб, фойдаланишга топширишди. Яхшигина яшаб турган эдик. Ўтган йилдан бошлаб тинчимиз бузилди. Уйимизни сув билан таъминлайдиган шахтадан ўтадиган сув трубаси ёрилиб кетиб, сув оқа бошлади. Биз бу ҳақда 50-ЖЭК бошлиғи Каримовга ва бош инженер Зияевга бир неча маротаба мурожаат қилдик. Уларнинг баҳонаси битта: «Кислород йўқ», дейишади. Кислород бўлса, «Сантехник йўқ» деб баҳона қилишади. Энди додимизни кимга айтишга ҳайронмиз.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВ,

Шифокорлар шаҳарчаси, 10-уй, 4-хона.

Умидимиз пучга чиқадими?

Биз Улуғ Ватан урушн ветеранлари Собир Раҳимов район Фаробий кўча, Сберкасса проездда истиқомат қиламиз. Кўчамизга 1983 йил газ трубалари ўтказилган эди, лекин Фаробий кўчасини қазиб озгина труба ётқизишди ва қурувчилар ғойиб бўлишди. Биз бу йил қишгача кўмир олишдан қутилдик деб хурсанд бўлган эдик. Лекин ишнинг бу боришида умидимиз пучга чиқиши турган гап.

Ф. ҒУЛОМОВ,

Улуғ Ватан урушн ветерани, пенсионер.

С. ҲАКИМОВ,

Тошкент чинни заводи ишчиси.

Машина киролмайди

Сигналчи ва Ҳ. Турсунқулов номли кўчада 1983 йил июль ойида ётқизилган асфальтни қўпориб, «Ёш гвардия» босмахонаси қурилиши учун электр кабели ётқизиш мақсадида экскаватор билан бир метр кенгликда чуқур қазиб кетилди. Мана яқинда бир йил бўлишига қарамай бошланган иш ўлда-жўлда бўлиб ётибди. Натижада бутун қиш ва баҳор кунларн қор ва ёмғир сувлари кўчани ювиб, асфальтлар бузилиб, кавланган чуқур кенгайиб, баъзи ерларга машина ҳам киролмайдиган даражага етди.

Бу тартибсизликларга барҳам берилмаса ёз кунлари чанг босиб, келгуси қишда яна шу аҳволда қолишимиз эҳтимолдан ҳоли эмас.

С. ОРИПОВ,

С. АБДУРАҲМОНОВ ва бошқалар.

Жами 20 имзо.

Соат ўн иккини пойлаймизми?

Мана неча йилдирки, ёз келди дегунча, водопроводда сувлар тўхтаб қоладн. Кеч соат ўн иккиларда жилдираб келади.

Бир тасаввур қилинг. Ишдан ҳориб-чарчаб келдингиз, идишларда сув ҳам қолмаган, пақир кўтариб нарнги кўча ёки маҳаллага сувга борасиз. Овқат тайёрлаймизми, болаларнинг кўйлакларини ювамизми ёки идиш товоқларнимн! Қачонгача соат ўн иккини пойлаб ўтиришимиз керак!

М. РАҲИМЖОНОВА,

Саломатин кўчаси, 2-проездда турувчилар.

Жами 10 имзо.

Фотоахборот

• СТУДЕНТЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ЗАМОНАВИЙ ЁТОҚХОНА



Ўрта Осиё медицина педиатрия институти йил сайин кенгайиб бормоқда. «Главташкентстрой» 4-трести 19-қурилиш бошқармасининг В. Черников бошчилигидаги қурувчилар бригадаси замонавий типдаги тўққиз қаватли 300 ўринли ётоқхона биносини фойдаланишга топширишди. Бу бино институтга яқин жойда қад ростлади. Унда кўпгина қулайликлар бор.

Қурувчилар бригадаси юбилей олди вахтасида туриб ишлаб, янги ўқув йили бошланғунча яна бир худди шундай тўққиз қаватли ётоқхона биносини фойдаланишга топшириш ниятида. Бунёдкорлик ишлари ҳақида прораб А. Нормедов шундай деди:

— Бригадамизда 12 ишчи, бригадир, мастер ва прораб меҳнат қиламиз. Йигитларимиз ҳаммаси меҳнаткаш, тиришқоқ. Бирор дақиқани бекор ўтказишмайди. Қурилишга институтнинг тайёрлов бўлими тингловчилари ҳам ёрдам беришди. Шулардан Ф. Қурбонов, У. Абдураҳмонов, Ҳ. Ҳайдаров, М. Турдиев, А. Абраевлар бизга жуда катта мадад беришди.

Д. СУЛТОНОВА.

СУРАТДА: 221 ўринли ётоқхона биноси.

О. Желобнюк фотоси.

• «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒМАСИН...»

Юқоридаги сарлавҳа остида «Тошкент оқшоми»нинг 1984 йил 15 март сонида рейд материали эълон қилиниб, унда «Главташкентстрой» қурилиш бўлинмаларн шаҳардаги соғлиқни сақлаш объектларн қурилишнинн чўзиб юбораётганлигни танқид қилингани эди. Редакция ана шу мақола юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Бош бошқармадан жавоб олди.

«Қолган ишга қор ёғмасин...» рейд материалн Бош бошқарма томонидан қурувчилар билан ҳамкорликда кўриб чиқилди. Мақолада келтирилган фактларнинг ҳаммаси тўғри. Ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳридаги соғлиқни сақлаш объектларн қурилишн чўзиб юборяпти.

Ишни ортга судраётган қурилиш ташкилотларн раҳбарларига нисбатан қатъий чора кўрилди. Объектларни ўз вақтида ишга туширмаганлиги учун ва қурилиш ишларини қониқарсиз йўлга қўйганлиги учун 4-трест бош инженери Ю. К. Ханин, 6-трестнинг 33-қурилиш бошқармаси бошлиғи Р. З. Зокиров ишдан олинди.

Айни пайтда йўл қўйилган қолоқликни тугатиш ва биринчи навбатда коммунистик шанбаликлардан тушган маблағлар ҳисобига қурилаётган объектларни ишга тушириш учун зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Жумладан, Ўрта Осиё медицина-педиатрия институтининг болалар клиникаси қурилишига барча ёрдамчи пудратчи ташкилотлар жалб этилди. Объект шу йилнинг тўртинчи кварталида ишга туширилади. Қон қуйиш станциясининг қўшимча бинoси қурилиши бўйича ҳам камчиликлар бартараф этиляпти. Давлат комиссиясининг акти расмийлаштирилмоқда.

Июнь ойида эса ТошМИ клиник шифохонасининг 1 А корпуси фойдаланишга топширилади. Терн ва таносил касалликлари диспансери қурилиши ҳам жонлантириб юборилди.

Бироқ Ўзбекистон ССР Махсус қурилиш-монтаж ишлари министрлиги ташкилотлари соғлиқни сақлаш объектларн қурилишда суст ҳаракат қиляптилар.

В. СТАШИС,

«Главташкентстр о й» бошлиғининг биринчи ўринбосари.

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳақиқатан, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли объектлар қурилиши чўзиб юбориляпти. Айниқса, Тошкент шаҳридаги объектлар қурилиши ўлда-жўлда. Куни кеча бу масала шаҳар халқ контроли комитетида ҳам кўриб чиқилди. Айбдорлар жазоландилар. Лекин ишчи? Силжияптими? Бош бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосарининг гапига қараганда, ишлар жонлангандек кўринади. Бироқ 6-туғруқхона, 1-юқумли касалликлар шифохонасидаги реконструкция ишларини жонлантириш, Октябрь ва Акмал Икромов районларидаги туғруқхоналарни ўз вақтида фойдаланишга топшириш чора-тадбирларини ҳам кўрмоқ даркор.

Хўш, Ўзбекистон ССР Махсус қурилиш-монтаж министрлигидаги мутасадди ўртоқлар-чи? Улар ўз қурувчилари аҳволларидан қачон хабар олишаркин?

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

6 ИЮНЬ, 1984 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Мартин Борман Жанубий Америкадами?

АПН нашриётида АПН мухбири Михаил Бакланованинг Ғарбий Европа ва Лотин Америкасидаги фашистларнинг алоқаси тўғрисида ҳикоя қилувчи «Қора интернационал» деб номланган китоби нашр этиш учун тайёрланмоқда. Биз шу китобдан парчани газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Лотин Америкасидаги нацистларнинг тарихи сирли бир нарсадир. Лекин бир қарашда ғоят сирли тарих бўлиб туюлган бу нарсада шундай бир воқеалар борки, уларни ўта сирли деб аташ жоиз бўлади. Айниқса «Мартин Борман тирикми?» деган саволга ҳеч ким аниқ жавоб бера олмайди.

Нацистлар партияси мансабдорлари орасида Гитлердан сўнг иккинчи шахс деб саналган, расман унинг ворниси этиб тайинланган Борман 1945 йилнинг майида Берлинда ҳалок бўлган. Дабдаласи чиққан жасад топилган, унинг чўнтагида Борманнинг кундалиги бор эди. Улуғ ғалабадан сўнгги ўша кунларда солдатларга энг сўнггги уруш тугагандай туюлганди, пухта экспертиза ўтказиш учун алоҳида имконият бўлмаганди. Борманнинг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги ривоятга ишонишди.

Эллигинчи йилларда Европа ва Лотин Америкаси матбуотида шов-шувли хабарлар пайдо бўла бошлади: Борман тирик экан. Шундан кейин дунёнинг турли қисмларида у ўлганлиги ҳақида бундан ҳам кам бўлмаган шов-шувли телеграммалар пайдо бўлди. Булар ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқди. Яна дам у ерда, дам бу ерда Борманнинг машъум шарпаси пайдо бўла бошлади. Бир журналист, ҳатто, Борман Антарктидада яшаётганлигини исботламоқчи бўлди.

Унинг яшаш жойи ҳақидаги афсона ва миш-мишлар кўпайиб, шундай чалкашликни юзага келтирди-ки, кўпгина жиддий тадқиқотчилар бундай хабарларнинг навбатдагиси пайдо бўлганида умидсизлик билан пешоналарини тириштирадиган бўлишди. Лекин бу бирбирига зид хабарлар Борман тириклигидан ва у онгли равишда изини йўқотаётганлигидан гувоҳлик беради, деб ўйлайдиганлар ҳам бор эди.

1972 йилда Америка журналисти Ладислав Фараго «Кейин бўлган воқеа» деб номланган китоб нашр этди. Унда у ўша пайтгача бўлган Борман ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилган. Фараго Борман тирик ва у Аргентинада яшириниб юрибди, деган хулосага келди. 1945 йилнинг майида у руҳонийлардек кийиниб Берлиндан қочди, сўнгра Италиядаги Доминикан ибодатхонасида яширинди. У ердан Лотин Америкасига кетди. Америка журналистининг китоби қарама-қарши фикрлар уйғотди. ГФРда унн хаёлпараст дейишди, лекин 1972 йилнинг декабрида [китоб чоп этилгандан сўнг бир неча ой ўтгач] тўсатдан Борманнинг ўлганлиги ҳақидаги «сўнгги» ашёний далиллар пайдо бўлди. Ишчилар «Ғарбий Берлинда қувур ётқизишаётганда скелет топиб олишди. Зудлик билан ўтказилган экспертиза бу скелет [мия суягини анализ қилиш асосида] Борманга тегишли эканлигини аниқладн. Шундай қилиб Ғарбий Германияда Мартин Борман ҳақидаги жумбоқ узил-кесил ҳал этилди, деб расман эълон қилинди.

Шундай бўлишига қарамасдан, бу воқеада нимасидир қовушмай турибди, деган фикр кишини тарк этмайди. Худди шу сабабли ҳам Владислав Фараго вафот этгунига қадар Ғарбий Берлиндаги «топилманн» Борманнинг ўзи ташкил этган, деб таъкидлади.

Шундан бери орадан ўн бир йил ўтди. Нью-Йоркда янги тадқиқот: «Мартин Борман, Қувғиндаги нацист» босмадан чиқди. Унинг муаллифи Америка журналистикасининг ветерани Пол Мэннингдир. Илгари у ҳарбий мухбир бўлган. Бир қарашда китоб эътиборни тортгудек эди. Лекин шундай бўлмади. АҚШдаги шов-шув бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарса ҳақида рецензия берадиган, илгари Мэннингни ҳам эътибордан бенасиб этмаган, йирик нашрлардан ҳеч бири бу гал бир сатр ҳам эълон қилмади. Китоб чиққунига қадар ғалати воқеалар содир бўла бошлади. Ноширлар қўлёзмани ўқиб ҳаяжонга тушдилар, бироқ кейин кутилмаганда уни босишдан бош тортдилар. Мэннингнинг квартирасида телефон устма-уст жиринглаб, номаълум шахслар муаллифга ўлдирамиз, деб дўқ қилишди. Журналист ва унинг оиласини номаълум шахслар кечаси-ю-кундузи таъқиб этишди. Ниҳоят, китоб босилиб чиққандан сўнг эса кўпгина китоб магазинларн уни витринага қўйишдан бош тортишди. Чумчуқ пир этса, юраги шир этадиган кишилар томфасидан бўлмаган Пол Мэннинг эса квартирасини алмаштиришга мажбур бўлди. Унинг номерини ҳозиргача ҳам бironта телефон справочнигидан топиб бўлмайди.

Ҳатто, Мартин Борман тириклиги ҳақида бошқа далил бўлганида ҳам, Мэннингнинг китоби тарихи бизни дарҳол шу ҳақда ўйлашга ундайди. Аслида ҳам фақат тирик Борманигина ўзининг яшаб турган жойи ошкор бўлмаслигидан манфаатдордир.

Лекин бошқа ишончлироқ далиллар ҳам бор. Мэннинг Борманнинг Лотин Америкасидаги одамлари билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлди ва унга нацист билан учрашувни ташкил этишга ваъда беришди. Аргентинанинг «Сьете днас» журналига берган интервьюсида бир Боливия песосига процентсиз кредит билетининг ярмини кўрсатган. Иккинчи ярмининг эгаси эса учрашувни ташкил этишни зиммасига олган Борман ташкилотн аъзосидир. Бу ерда бир-бирига зид икки ҳодиса кўзга ташланади: бир томондан нацист изини йўқотаяпти, иккинчи томондан интервью беришга тайёр эканлигини билдираяпти. «Гап шундаки, — дейди Мэннинг, — Борман ўзини ҳарбий жиноятчи ҳисобламайди, аксинча ўзини немис ватанпарвари ҳисоблайди. У авлодларнинг тан беришини истайди. У ўз ватандошлари ўртасида пайдо бўлишни истайди... Борман қочоқ сифатида эмас, қаҳрамон сифатида ўлишни истайди...»

Архив ҳужжатлари билан таништирш Борман қочишга олдиндан тайёргарлик кўрганини тасдиқлайди. Бу нарса камида 1943 йилда бошланган. Сталинграддан, Курск ёйидан сўнг фашистларнинг кўпгина бошлиқларига вақти келиб Рейхнинг тор-мор этилиши равшан бўлиб қолди. Борман буни биринчилардан бўлиб тушунди. У катта маблағни Лотин Америкасига ўтказа бошлади. Албатта, бу тўла махфий равишда қилинди.

Олтин ва валютани турли йўллар билан ташиб кетишди. Қимматабаҳо нарсаларнинг бир қисми Аргентинадаги немис банклари ҳисобига ўтказилди. Шу билан баробар «Оловли ер» махфий операцияси амалга оширилиб, бунда бойликлар сув остн кемасида Патагонияга ташиб кетилди. Урушнинг сўнгги икки йили мобайнида Европа ва Аргентина ўртасида ўзига хос «сув остн тоннели» ўрнатилиб, унда гитлерчилар танда қўйишди. Бу ерда гап камида 3 та кема ҳақида боряпти. Ҳатто, улардан иккитасининг номери ҳам маълум: У—977 ва У—530. Уччала капитанининг исми-шарифи ҳам аниқланган: Шафер, Вермут, Нибур. Ниҳоят, яна бир деталь. Германия сўзсиз таслим бўлиши ҳақидаги актга имзо чекилгандан кейин 17 немис сув остн кемаси изсиз йўқолди. Ҳатто, улардан бир қисми чўктирилган, бир нечтаси сўнгги кунларда минага урилиб портлаган, деганимизда ҳам, 17 кеманинг ҳаммаси бенз йўқолганлигига ишониш қийин. Аслида уларнинг изларн.... Патагониядан топилди. 1945 ва 1967 йилда Уругвайнинг «Дна» газетасн немисларнинг бир нечта сув остн кемаси Аргентинанинг Атлантика қирғоқларидаги қумли бухталардан паноҳ топганлигини хабар қилди. Газета шулардан бирида Лотин Америкасига Мартин Борман келди, деб таъкидладн.

Бузнос-Айрес полициясининг архивларида 356/48 ва 481/50 номерли ҳужжатлар сақланмоқда. Уларда Аргентина пойтахтида 1948 йилда Борманни кўрган кишиларнинг гувоҳлик сўзлари протоколлаштирилган. Сўнгра, айтишларича, у Парано шаҳрига келади, у ердa унн яна таннб қолишади. Борман Паранода 1951 йилгача турди

Кейин нацист Бразилияга йўл олади. Санта Катарина шаҳрида у Элейзер Гольштейн номи билан паспорт олади ва Парагвай, Аргентина ва Бразилиядаги неонацистларига ўрнашган ҳаракатнинг мувофиқлаштирувчи бўйича қизғин фаолият бошлайди. Бразилиянинг Ногроссу штати Борманнинг доимий резеденцияси бўлиб қолди. Бу ерда у «ОДЕССА» (собиқ СС хизматчилари ташкилотининг номи) аъзолари билан кенг алоқа ўрнатиб турган. Нацистлар уни «Жанубий Америка фюрери» деб аташган.

1954 йилда Борман яна Аргентинада пайдо бўлди. Ундa Перонн вилоятининг Мина Клаверо шаҳридаги меҳмонхонасида Хосе Перес рўйхатдан ўтган. Унинг икки ҳафтадан сўнг йиғилиб, улар ҳам испан фашистлиясида эдилар, лекин испан тилида қийналиб сўзлашган лар. Меҳмонхона ўғлони Хосе Пересга ҳақорат етган Борман» деб мурожаат қилганини эшитиб қолади. У ҳақда дарҳол полицияга хабар берди. Меҳмонхонага полиция чилар келганда, сирли мехмонлар гумдон бўлишган.

Умумий хулоса қилганда Аргентинада Борманни кўп одам излашмаган. Ушa пайтда мамлакатда Хуан Доминго Перон президент эди. Перон нацистларнинг мамлакатга кириб олишига қаршилик кўрсатмади. Перон немис қочоқларининг капиталн Аргентинада ўнлаб-ўнлаган-сўттинн кучайишига ёрдам беради, деб ўйлаганди. Бу нацистлар бу ерда 1941 йилдан бери 98 та компания ташкил этишганди. Бу фирмаларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам фаолият кўрсатяпти. Перон ҳукумати тугатгандан кейин нацистларнинг бир қисми Аргентинани тарк этиб, кўшни мамлакатларга кетиб қолишди. Улар билан Борман ҳам кетди. 1956 йилда у Боливиянинг Паулода яшайди —ўша йилдан бери бир аёл таннб қолади. Сўнгра Борман Мату Гроссу штатига резиденцияга кўчади. 1960 йилда у яна Парагвайга келиб, ўша ерда у «Освенцимнинг «ўлим фариштаси» доктор Менгелнинг дўстлари орасида кўришади...

Нацистнинг бундан кейинги маршрутларини санашдан ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Борманнинг излари Лотин Америкасининг турли шаҳарларида пайдо бўлиб ва қолиб турди. Унинг гастролларини давологан врачларнинг гувоҳлиги бор. Турли вақтларда турли кишилар Борманни учратганликларн ҳақида журналистларга хабар қилишган. Лекин ироқ, бу маълумотларнинг ҳаммасини текшириш имконн мумкин эмас.

Пол-Мэннинг ўз китобида шуни қатъият билан таъкидлайдики, ҳозир нацизмга ишонган «Жанубий Америка фюрери» Аргентинада Буэнос-Айрес вилоятидаги серқатнов виллада яшаяпти ва ижтимоий ёзаяпти. «У қалам билан ёзади, сўнгра кўлёзмани нашр қилиш котибаси қайта кўчиради».

Борман тирикми ва у Жанубий Америкада яшаяптими? Жуда даргумон. Бугунги кунда бу ҳақда аниқ бир нарсани айтиш қийин. Масала очиқлигича қоляпти.

Лекин қуйидагилар аниқ: Мартин Борман нацистлар Европа халқларнинг тўпланган катта хазинасини Америкасига жўнатишда катта роль ўйнаган. Бу ишда батида Ғарбий ярим шар фашистларининг ишончи ошиб, лиятнинг кенгайтиришга туғи келлиявий замин яратди.

«ОДЕССА» ташкилотининг бирнчи навбатдаги вазифаси — асосий гитлерчи нопятчиларни Лотин Америкасига жўнатгандан сўнг тугаган. Унинг кўпгина раҳбарлари ҳам йўқолиб кетишмади. Улар Лнон шаҳридаги канторада улардан бири— Клаус Барбн суд бўлишнинн кутиб ётибди. Бошқаларн жазодан қочиб, юришибди. Эсэчи жаллод Йозеф Менгеле Парагвай паноҳ топди. Кушандалар яна бири— Вальтер Рауф узоқ йиллар Чилида Пиночетнинг паноҳида яшади. Унинг ўлганлигн ҳақидаги хабар яқиндагина пайдо бўлди. Жанубий Америкадаги гос. [illegible] бу мамлакатда Мартин Борманнинг машъум шарпаси пайдо бўляпти...

(АПН)

НИКАРАГУА ХАЛҚИГА ТУҲФА

КОРИНТО. Совет Иттифоқининг қуруқ юк ташиб келган «Ковров» кемаси Никарагуанинг Коринто портига аста кириб келди ва присталдаги бошқа кемалар орасида ўзига ажратилган жойни эгаллади. Америка маъмурнятининг, аггрессив кирдикорларига, шу жумладан Никарагуа портларн жинояткорона равишда миналаштирилганлигига қарамай (бунинг натижасида кўпгина чет эл кемаларн шикастланди) Коринто, Сандино, Блуфилдс докерлари илгаригидек қизғин ишламоқдалар. Чет эл теплоходларн бирин-кетин ана шу портлар соҳилига келиб тўхтамоқда. Улар сандиночилар революциясн учун ўғит, дори-дармон, станоклар, нефть, озиқ-овқат ва бошқа муҳим моллар олиб келган.

Қуруқ юк ташувчи «Ковров» кемаси никарагуаликларга СССР халқи ва ҳукуматининг туҳфасини — 10 минг тоннадан ортиқ донни олиб келди. Юк туширилиш олдидан кемада Совет-Никарагуа дўстлиги митинги бўлиб ўтди.

Совет кишиларининг туҳфаси, деди митингда Никарагуа миллий уйғониш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг аъзоси Серхио Рамирес, сандиночилар халқ армиясининг Совет Иттифоқи билан дўстлик ва мъюжал жангларда кўлга-кўлга берган интервьюсида бир Боливия песосига процентсиз кредит билетининг ярмини кўрсатган. Иккинчи ярмининг эгаси эса учрашувни ташкил этишни зиммасига олган Борман ташкилотн аъзосидир. Бу ерда бир-бирига зид икки ҳодиса кўзга ташланади: бир томондан нацист изини йўқотаяпти, иккинчи томондан интервью беришга тайёр эканлигини билдираяпти. «Гап шундаки, — дейди Мэннинг, — Борман ўзини ҳарбий жиноятчи ҳисобламайди, аксинча ўзини немис ватанпарвари ҳисоблайди. У авлодларнинг тан беришини истайди. У ўз ватандошлари ўртасида пайдо бўлишни истайди... Борман қочоқ сифатида эмас, қаҳрамон сифатида ўлишни истайди...»

Архив ҳужжатлари билан таништирш Борман қочишга олдиндан тайёргарлик кўрганини тасдиқлайди. Бу нарса камида 1943 йилда бошланган. Сталинграддан, Курск ёйидан сўнг фашистларнинг кўпгина бошлиқларига вақти келиб Рейхнинг тор-мор этилиши равшан бўлиб қолди. Борман буни биринчилардан бўлиб тушунди. У катта маблағни Лотин Америкасига ўтказа бошлади. Албатта, бу тўла махфий равишда қилинди.

Олтин ва валютани турли йўллар билан ташиб кетишди. Қимматабаҳо нарсаларнинг бир қисми Аргентинадаги немис банклари ҳисобига ўтказилди. Шу билан баробар «Оловли ер» махфий операцияси амалга оширилиб, бунда бойликлар сув остн кемасида Патагонияга ташиб кетилди. Урушнинг сўнгги икки йили мобайнида Европа ва Аргентина ўртасида ўзига хос «сув остн тоннели» ўрнатилиб, унда гитлерчилар танда қўйишди. Бу ерда гап камида 3 та кема ҳақида боряпти. Ҳатто, улардан иккитасининг номери ҳам маълум: У—977 ва У—530. Уччала капитанининг исми-шарифи ҳам аниқланган: Шафер, Вермут, Нибур. Ниҳоят, яна бир деталь. Германия сўзсиз таслим бўлиши ҳақидаги актга имзо чекилгандан кейин 17 немис сув остн кемаси изсиз йўқолди. Ҳатто, улардан бир қисми чўктирилган, бир нечтаси сўнгги кунларда минага урилиб портлаган, деганимизда ҳам, 17 кеманинг ҳаммаси бенз йўқолганлигига ишониш қийин. Аслида уларнинг изларн.... Патагониядан топилди. 1945 ва 1967 йилда Уругвайнинг «Дна» газетасн немисларнинг бир нечта сув остн кемаси Аргентинанинг Атлантика қирғоқларидаги қумли бухталардан паноҳ топганлигини хабар қилди. Газета шулардан бирида Лотин Америкасига Мартин Борман келди, деб таъкидладн.

Бузнос-Айрес полициясининг архивларида 356/48 ва 481/50 номерли ҳужжатлар сақланмоқда. Уларда Аргентина пойтахтида 1948 йилда Борманни кўрган кишиларнинг гувоҳлик сўзлари протоколлаштирилган. Сўнгра, айтишларича, у Парано шаҳрига келади, у ердa унн яна таннб қолишади. Борман Паранода 1951 йилгача турди

Кейин нацист Бразилияга

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ

ШЕЪРИЯТ ҚУЁШИ ТАСВИРИЙ САНЪАТДА



Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг рус санъати бўлимлари залларида XIX—XX аср бошларида ижод қилган рус ҳайкалтароши П. Трубецкойнинг оқ мармарда ишланган «А. С. Пушкин портрети» намойиш этилмоқда. Ҳайкалтарош шоирга хос портретини биринчи марта ёғоч ўймакорлик санъатида тасвирлади. Халқ устаси яратган шоир портрети рус рассомлари мўйқаламида жонланган Пушкинга айнан ўхшашлиги билан диққатга сазовордир. Қўқонлик уста Қодиржон Ҳайдаров ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик рамзи учун, худди чинакам протретчи рассом каби, ёғоч ўймакорлигида ниҳоясига етказган эди. А. С. Пушкин ҳақида Кипренский, Тропинин, Соколов, Папков, Ге каби рассомлар кўплаб асарлар яратишган. Шулар орасида шоир ҳаётлигида ўзига қараб ишлаган портрет асарлар санъат мухлисида қизиқиш уйғотади.

1823 йили коллекционер А. Дельвиг, машҳур рус рассоми Врест Адамович Кипренскийга А. С. Пушкин портретини яратиш ҳақида буюртма беради. Рассом шу йили хонасида илҳом-ҳаяжонга жўшиб, қўлларини қовуштириб, қаёққадир отланиш иштиёқида ўй сураётган А. С. Пушкин қиёфасини мой бўёқларда акс эттиради. Бу асар шоирга ҳам жуда ёққан эди.

1827 йилда эса А. С. Пушкиннинг дўсти Собалевский портретчилик санъати уч минг етук асари билан танилган атоқли рассом Василий Андреевич Тропининга буюртма берганда рассом шоирни уй кийимида, ўз ёзув столи олдида шеър ёзишга ҳозирлик кўриб турган ҳолатини ҳаётий тасвирлайди. Эндиликда ҳар икки рассом асари Давлат Третьяков галереясидан муносиб ўрин олиб турибди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг катта илмий ходими.

* * *

СУРАТДА: рассом О. Кипренский ишлаган портрет.

ПУШКИН

ДЕНГИЗГА

Алвидо, зўр қудрат — асов ғалаён!
Яшил тўлқинларинг сўнг дафъа суриб —
Кўзларим олдида қайнайсан чунон,
Мағрур гўзаллигинг билан барқ уриб.
Ундовинг, ғавғоли шовқинингг ғамли,
Қулоғим соламан сўнг қатла мен ҳам,
Гўёки пичирлар, чорлар аламли,
Хайрлашув пайти яқин дўст, ҳамдам.
Орзули бу кўнглим истаган қирғоқ,
Сенинг соҳилингда кезардим сарсон,
Кезар эдим сокит, туманли, чарчоқ,
Эшгу ниятларим қийнар эди жон!
Нақадар ёқарди: бўғиқ овозинг,
Ва теран садоли чақириқларинг,
Кечқурунги сукут ва ўжар нозинг,
Ҳаяжон, ғазабинг — бақириқларинг!
Баликчининг енгил елкан кемаси —
Истасанг кўксингда сақланар омон,
Юзар тўлқинларда, йўқдек ваҳмаси,
Лекин сен бошласанг улкан ғалаён —
Барқ бўлар кеманинг гала-галаси.
Мангу кетай девдим, бўлмади имкон;
Ғамгин, ҳаракатсиз, кўнгилсиз қирғоқ,
Сени шодиёна қутлай олмадим,
Тизма тоғларингдан ҳатлай олмадим,
Шохрона қочмоқ бўлгандим йироқ!
Сен кутдинг, чорладинг... мен
кишандайдим.
Руҳим қанотланди беҳуда, бекор.
Қудратли орзуга мафтун бандайдим,
Шу сабаб мен қолдим қирғоқларда зор.
Нимани аяйман! Қайга бу замон —
Мен йўл солар эдим бепарво, беғам?
Битта илинж сенинг гўшангда ҳамон
Кўнглимга ҳайратлар солар дамбадам...
У битта қоядир, шон сағанаси...
У ерда ухлайди совуқ уйқуда
Улкан хотиралар ҳаммаси.
Наполеон ҳаёти сўнган ер шу-да!
У ерда азобда бўлди у ҳалок.
Унинг орқасидан довул сингари —
Ўзга даҳо учди, дилни айлаб чок,
Ақлимизнинг ўзга бир ўхкмдори.
Кетди, эркинлик-чи, йиғлади йўқлаб,
Қолдирди тожини жаҳонга, эсиз! —
Шовқин сол, пўртана, уни улуғлаб,
У сенинг қўшиқчинг эди-ку, денгиз!
Унда барқ урарди тимсолинг аён,
Руҳан ҳудди сендай яралган эди.
Сендай теран, ғамгин, сендай паҳлавон,
Сендай бўйинсунмас, зўр инсон эди.
Дунё бўшаб қолди... энди сен мени
Қаён олиб чиқар эдинг, океан?
Инсонлар тақдири ҳар ерда бирдир,
Қайда фароғат бор бўлса, посбон —
Маърифат ё золим у ерда, аён...
Яхши қолгил, денгиз! Унутмайман ҳеч,
Сенинг тантанали бу жамолингни,
Қулоғимда турар, жаранглар ҳар кеч,
Ҳамиша тинглайман ғалаёнингни.
Ўрмонлар ва жимжит саҳролар томон —
Ёқин хотиралар олакетаман.
Қоялар, кўрфазлар, тўлқин ва сурон,
Соя, жилоларинг эсда тутаман.

1824.

Миртемир таржимаси.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

• ЯНГИ МЕТОДЛАР

БУЙРАКДАГИ ТОШЛАРНИ ОҒРИҚСИЗ ОЛИБ ТАШЛАШ МУМКИН

Буйрак тошларини олиб ташлашнинг янги методи, тошларни ультратовуш ёрдамида майдалаш—перкутан хирургия деярли оғриқсиз ўтади ва яхши самара беради. Бу метод тобора кенг қўллана бошлади. Баъзи мутахассислар ўт-тош касаллигини даволашда ҳам ана шу методдан фойдалана бошладилар.

«Пэрейд», Нью-Йорк.

«Буйрагимдаги тошларни олиб ташлашганидан бери орадан икки йил ўтган бўлса ҳам, оғриқдан азоб чекардим», деб эслайди Эрл Кларк. Буйрагида тоши бор кишилар бу касалликнинг қандай азоб беришини ўз тажрибаларидан яхши биларлишади. Бунда кальций ёки урат кислота кристаллари тўпланиб, пешоб йўлига тиқилиб қолади, натижада одамни қаттиқ оғриқ қийнайди.

Агар тошлар организмдан табиий йўл билан чиқиб кетмаса, кўпинча хирургик операция қилиб, уларни олиб ташлашга тўғри келади. Яқин вақтларгача бундай операцияларга етиб бориш учун хирург мускул тўқимасининг учала қаватини тилиб, 25 сантиметр узунликда кесар эди. Операциядан кейин беморнинг соғайиб кетиши анча узоққа чўзиларди.

«1972 йили буйрагимни операция қилиб, тошларни олиб ташлашганди, шундан сўнг орадан уч ой ўтгандан кейингина оддий жисмоний ишларни уддалай оладиган бўлдим», деб ҳикоясини давом эттиради Кларк. У бу касаллик билан 1949 йилдан бери оғрир эди. Ўтган йили унинг буйрагидан яна битта тошни олиб ташлаш зарурлиги маълум бўлиб қолди. Бироқ бу сафар Сиэтл шаҳри медицина маркази врачлари жиддий операция қилмасдан, буйрагидаги тошни ультратовуш ёрдамида майдалаш методини қўлладилар. Орадан бир ой ўтгач Кларк гольф ўйинини ўйнай оладиган бўлди.

Перкутан (тери ости) методи шундан иборатки, врач терида буйрак проекциясини аниқлайди ва кичкинагина, одатда ярим дюймдан ошмайдиган жойни тешади. Кейин шу жойга найча қўйилади, врач ана шу найча орқали махсус асбоб ёрдамида буйрагидаги тошларни майдалайди ва уларни олиб ташлайди.

Агар тошлар унчалик катта бўлмаса, врач шу заҳотиёқ уларни хирургик ёки қошиқсимон пинцет билан олиб ташлайди. Кларк буйрагидаги тош ҳаддан ташқари катта эди. Шунинг учун уролог М. Бранен тошни майдалаш, унинг бўлакларини эса найча орқали олиб ташлаш учун ультратовуш тўлқини нурларини сочадиган зонд киритди.

Янги метод анъанавий хирургик операция ўрнини олиши мумкин, деб ўйлашмоқда. Бироқ бу янгиликка ҳозирча хавф-хатар нуқтаи-назаридан қараганда мураккаб хирургик операция қилиш каби жиддий муносабатда бўлиш керак. Кўпчилик врачлар буйрагидаги тошни перкутан усулда майдалашни умумий наркоз остида ўтказишмоқда.

Шу билан бирга, бу методнинг жуда катта афзалликлари борлиги шубҳа туғдирмайди. «Илгари одатдаги операцияни бошидан ўтказган беморнинг янги метод ёрдамида тошларни олиб ташлаш унчалик оғриқ бермаганига ҳайрон қоладилар, — дейди Миннесота штати Рочестер шаҳридаги Мэйо клиникасининг урологи доктор Сегюра.

— Бу ерда ҳар куни уч-тўртта беморда тош олиб ташланади. Бундан ташқари, 97 процент ҳодисада муваффақиятга эришилади». Янги методнинг яна бир афзаллиги шундаки, найча ўз қўйилган жойида икки кундан олти кунгача қолдирилиши мумкин. Бинобарин, кейинги рентген суратлари тошнинг заррачалари қолганини кўрсатса, муолажани яна қайтариш мумкин бўлади.

Перкутан хирургия унчалик азоб бермайди, ҳатто ўт-тош касаллигидан дард тортаётганларнинг ҳам тез соғайишига гаров бўлади.

Одатда ўт пуфагидаги тош операция ёрдамида ўт пуфаги билан бирга олиб ташланади. Бироқ бу тош туфайли юзага келадиган барча безовталикнинг йўқолишига ҳар доим ҳам кафил бўлавермайди.

Баъзи тошларни эса, тополмаслик ҳам мумкин. Улар ўт пуфаги ёнидаги йўлларда яшириниган бўлиши ва ўтнинг жигардан ичакка ўтишига тўсқинлик қилади. Бундай тиқилиб қолиш туфайли одам сариқ касалига учраши, қаттиқ оғриқ пайдо бўлиши ва ҳатто ўлим юз бериши мумкин.

Британ Колумбияси вилояти университетининг ходими, канадалик доктор Бурьенн ишлаб чиққан янги перкутан метод ҳозирги пайтда ўт тошларидан тезроқ қутилишга имкон беради ва бу метод унчалик хавфли эмас.

Ўт пуфаги операцияси пайтида хирург беморнинг бикинни кесиш орқали ўт йўлига «Т» ҳарфи шаклидаги найчани киритади. Сўнгра найча ўша тешикка мустаҳкам бирикишини кутиш учун бемор бир неча ҳафтага уйга юборилади. Шундан кейин врач тошни чиқариб оладиган қошиқсимон асбобни бор катетерни найчага киритади. Одатда бемор ўша куниёқ уйига кетади.

(«За рубежом»дан).

• *Тиббиёт захматкашлари*

«ОДАМЛАР, МЕН СИЗНИ СЕВАМАН...»

...Қабулхонага кириб чиқаётган беморларнинг кети узилмасди. Врач ниҳоят кекса бир отахон беморни кузатиб чиқар экан:— «Қани энди ҳеч ким касал бўлмаса! — деб менга савол назари билан қаради.— Балки шундай кунлар ҳам келиб қолар-а, ука?»— Унинг думалоқ буғдой ранг юзи ёришиб, қора кўзлари меҳр билан товланди.

— Ҳеч ким касал бўлмаса, унда сизлар нима қиласизлар? — кулиб сўрайман врачдан.

— Ундами, — қувноқлик билан жавоб беради у, — худди чегарачилардай кишилар соғлиғини қўриқлаб турамиз. Озодалик, гўзаллик, доимо соғлом ҳаёт кечиришни тарғиб этган бўлардик. Ҳаётда биз учун киши чеҳрасида соғлом табассум кўришдан ортиқ бахт йўқ...

Ҳа, бу каби юрак сўзларини эшитганингда беихтиёр ўйланиб кетасан, киши. Дарҳақиқат, шифокор учун улуғ бахт, бу инсонинг саломатлиғидир. Султон Собитович Бўсоқов ана шундай меҳри дарё, қўли енгил, олиҳиммат шифокорлардан.

У медицина институтини, сўнгра Ленинграддаги Киров номли медицина академиясини тамомлаб қайтгандан буён, эгнидан оқ халатини ечмай, шаҳримиздаги 15-клиник шифохонасида эл саломатлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда.

Султон Собитович асосан игна билан даволаш ҳамда асаб касаллиги бўйича қўзга кўринган мутахассислардан биридир. Бемор дори билан даволангандан кейин, унинг оқибатида айрим ҳолларда киши организмида янги касалликлар пайдо бўлиши медицинага маълум. С. Бўсоқов бу борада дадил изланишлар олиб борди. Бундай асоратли касалликларни игна санчиш йўли билан даволаш мумкинлигини асослаб берди. Шунингдек, гипнозтерапия билан қўшиб даволаш усулларини қўллаши натижасида сағмарали ютуқларни қўлга киритди.

Коммунист Султон ака Бўсоқов ёш мутахассис шифокорларга ўзининг бой тажрибасини, билимини сингираётган талабчан мураббий, заҳматкаш олимдир. У 1972 йили кандидатлик диссертациясини ёқлаб, шундан буён медицинага оид талай диққатга сазовор мақолалар эълон қилиб келяпти.

...Мана, у аста қадам ташлаб боряпти. Қиров қўнган сочлари шаббодада енгилгина ўйнайди. Гул-гул ёнаётган нурли чеҳрасида ҳаётидан, оиласидан, касбидан мамнунлиги шундоққина сезилиб турибди. Менинг назаримда унинг меҳр тўла кўзларидан фақат бир нарсани уқиш мумкин: «Одамлар, мен сизларни севаман, ҳеч қачон касал бўлманглар!»

Т. ТОШЕВ.

* * *

СУРАТДА: невропатолог-игнотерапевт Султон Бўсоқов шогирдлари орасида.



• *Ихтиролар, кашфиётлар*

ФИКРЛАШ КРЕСЛОСИ

Япониялик Иоширо Накамасту ўзининг тирсак қўйгичлари бўлган креслоси конструкцияси устида қарийб ўн беш йил ишлади. У яқинда Токиода бўлиб ўтган ғаройиб ихтиролар конкурсида бу иши учун биринчи мукофотни олди.

«Доктор Накамаст унинг фикрлаш креслоси— деб ёзади Токионинг «Шукан Шинхо» журнали — инфрақизил нур билан ишлатадиган тагликка эга. Баланд суянчиқ юқорисида бош учун ёстиқ жойланган бўлиб, ундан микротўлқинлар бошқа билан бош мия нурланиши мумкин. Ўтирган кишига юқоридан ва пастдан хизмат кўрсатиб, бош мияни қон билан яхши таъминлаш эвазига кресло одамнинг фикрлаш қобилиятини жонлантиради. Цукуба университети студентлари креслода ўн минут ўтиргандан сўнг, рақамларни яхшироқ кўша ва кўпайтира бошлайдилар.

• «Медицина» нашриёти туҳфаси

«ИЧКИЛИК — ОҒУ»

Инсон умридан азиз нарса йўқ, лекин ҳаётда бир мартагина бериладиган умрни соғлом, тетик ва фаровонлик билан ўтказиш ўрнига, ўз сиҳат-саломатлигини ичкилик оғуси билан заҳарлаб хаста бўлувчилар бор. Шоир Баҳриддин «Гулшандаги шумғиялар» асарида ичкиликнинг ёмон оқибатини шундай таъриф этган:

Майхўр қисматида
икки ниҳоят,
Бири беморлигу,
бири жиноят.

Ичкиликнинг инсон сиҳат-саломатлиг и г а, руҳиятига, ақл-заковатига, рўзғорига офат эканлиги Н. Насриддиновнинг китобчасида атрофлича ифодалаб берилган. Майхўрлик ҳозирги пайтда дунё миқёсида кенг тарқалиб кетганлиги қуйидаги мисолларда яққол кўринади: Франциянинг 800 миллиард аҳолиси ҳар куни 3—10 литрдан вино истеъмол қилади. Америка Қўшма Штатларида эса, ҳар 12 кишидан бири ичкиликбоз ҳисобланади, ярим миллион киши ичкиликбозлик билан шуғулланади.

Китобчада алкоголнинг пайдо бўлиши, киши аъзоларига зарарли таъсири, бу умр оғусидан қутилиш чоралари ҳақида батафсил маълумотлар бор.

«ЧЕКИШ — УМР ЗАВОЛИ»


Тамаки чекиш тарихи Европада 1560 йилга бориб тақалади. Ўшанда португалиялик ва испаниялик денгизчилар Лотин Америкасидан Францияга қуритилган ўсимлик баргини олиб келишади. Тамаки баргидаги заҳарли модда —никотин Португалияга фрунцуз қироли юборган Жан Нико номи билан аталди. Шундай қилиб, Европанинг ғарбий қирғоқларидан тамаки эски дунё бўйлаб тарқалиб кетди.

Ботир Маъзумовнинг оммабоп бу китобчасида тамаки чекишнинг инсон организмига ғоят зарарли экани, унинг келиб чиқиш тарихи, чекишга қарши турли мамлакатларда олиб борилган чора-тадбирлар ҳаётий мисоллар билан баён қилинган. Тамаки чекишдек ёмон одатни ташлаш, ундан қутилишнинг осон йўли ҳақида муаллиф яхши маслаҳатлар келтирган.

ТО спорт ҳафтаси

Тошкент — Олмаота шахмат матчи

ОЛМАОТА—ТОШКЕНТ ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА



30 майда газетамизда сурати «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида тошкентлик шахмат мухлисларининг навбатдаги йиғилишлари эълон қилинган эди. Улар биринчи тахтада Ка8—с6, ўзларидаги доналар билан ўйнаган иккинчи тахтада эса g2—g4 юришини тавсия қилишган эди. Бу юришлар «Вечерняя Алма-Ата» газетасининг 31 май сонида эълон қилинди.

Олмаотлик шахматчиларнинг ўйлаш учун ажратилган бир ҳафта давомидан фойдаланиб g2—g4 юришига Ch5—g6 билан жавоб беришди, бинобарин оқ доналар билан ўйнаётган биринчи тахтада эса навбатдаги саккизинчи юришни С11—с2 эълон қилишди.

Ҳурматли газетхонлар. Ҳар икки тахтадаги вазиятни баҳолаб кўринг. Олмаоталикларнинг С11—с2 юришига қандай жавоб беришни таклиф қиласиз. Ўзингиз оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги —тўққизинчи юриш қандай бўлиши керак! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз. Биринчи бўлиб энг мақбул юришларни таклиф этганларнинг исми ва фамилиялари газетамизда эълон қилинади.

Эслатиб ўтамиз, Тошкент — Олмаота сиртқи шахмат мачида «Тошкент оқшоми» томонида баҳс юритаётганларнинг сафи 519 кишига етди. Бирон сабабга кўра бехабар қолганлар бемалол баҳсга қўшилишлари мумкин.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» [«Дўстлик матчи»]га, Таклифларингизни 330874, 325885, 325680, 322581 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

МУСОБАҚАЛАР ХРОНИКАСИ

● Эркаклар ўртасида шахмат бўйича ўтказилган республика 49-чемпионатида 18 спорт мастери ва спорт мастерлигига кандидат иштирок этди. 17 имкониятдан 13 очко тўплаган Армия Спорт Клубининг вакили спорт мастери Валерий Логинов Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди. Тошкентлик Спорт мастерлигига кандидатлар Рашид Зиятдинов ва Нуржас Айдаров иккинчи ва учинчи ўринни эгаллади.

● Рим шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақаларда тошкентлик Сергей Ловачов мураффақиятли қатнашди. У саратовлик Евгений Ломтев, москвалик Николай Чернецкий ва новосибирсклик олимпиада чемпиони Виктор Маркин билан 4х400 метр масофага эстафетали югуришда биринчи ўринни эгаллади.

● Ёш шахматчилар ҳам республика чемпионини баҳсларини якунлашди. Яхши натижа кўрсатган Ироҳим Каримов, Григорий Серпер ва Аркадий Блодштейн ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ спартакиадасида катнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

ЁШ ТАЛАНТЛАР КЎРИГИ

Енгил атлетика бўйича ўтказилган Тошкент шаҳри биринчилигида «Вестник» кўнгилли спорт жамиятининг вакиллари яхши натижа кўрсатдилар. Шундай, Тошкент Давлат физкультура институтининг студенти Дмитрий Ким мусобақа пайтида спорт мастерлигига кандидат нормативини бажарди. Шу институт студентидан Ринат Ихсанов, Юрий Нам ва Роман Қодиров ўз навбатида Тошкент шаҳри чемпионати ва Ўзбекистон чемпионати унвонини қўлга киритди. Козим Зокиров, Игорь Рябов, Сергей Егисянлар эса иккинчи ўринни эгалладилар.

Умумкоманда якунида Тошкент Давлат физкультура институти студентларидан ташкил этилган «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг вакиллари биринчи ўринни эгалладилар. Мусобақанинг ташкил этилиши ва уларнинг қатнашчилари ҳақида хулоса чиқарилар экан, шуни айтиш керакки, айрим спортчилар ўз имкониятлари даражасида маҳорат кўрсата олишмади. Шунингдек, Армия Спорт Клуби, «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятларининг тренерлари ёшларни мусобақага тайёрлашга аҳамият бермаётганликлари ачинарлидир. Улар шаҳар чемпионатига бирорта ҳам спортчи олиб келишмади.

«Локомотив» ва «Спартак» кўнгилли спорт жамиятларининг маҳоратли спортчилар тайёрлаш анъанаси ҳам унутилиб бормоқда. Шаҳар оғир атлетика федерацияси кўнгилли спорт жамиятларининг раҳбарларига талабчанлик кўрсатмаётганлиги туфайли шундай ҳол юзага келмоқда.

Б. ЛЕБЕДЕВ,
Бутуниттифоқ тонфасидаги судья.

БИЛДИРИШ

Лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати Тошкент университети ўқитувчилари диққатига.

3 июнь соат 17 да В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида «СССРнинг саноатлаштирилган капиталистик мамлакатлар билан халқаро иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги» мавзуида лекция ўқилади. Лектор — «Билим» жамияти лектори, иқтисод фанлари кандидати, доцент Н. Н. Юсупов.

Лекция пропагандасида пропаганданинг техника восталарини қўллаш методикаси факультети тингловчилари диққатига.

12 июнь соат 17 да Лекторлар уйида (Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 13-уй) «Пропагандаининг техника восталаридан самарали фойдаланиш шартлари» мавзуида лекция ўқилади Лектор — республика «Билим» жамияти лектори референт Л. М. Зимина.

Лекция тексти сценарийсини тузиш принципларини ўрганиш бўйича семинар машғулотлари ўтказилади.

• СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

ЯНА ТАМАКИ ҲАҚИДА

Ҳурматли редакция, чекиш ва нос отиш каби одатларни инсон организмига нечоғлик зарарлиги тўғрисида кўп маълумотлар берилган. Тамаки чекилганида терида нохуш ўзгаришлар содир бўлиши мумкинлиги тўғрими?

Фатхулла КАРИМОВ.

Тамаки умр эгови, саломатлик кушандаси эканлигини кўпчилик билади, бу ҳақда жуда кўп китоблар ёзилган, суҳбатлар ўтказилган, тажрибалар қилинган. Очиқ гап, буларнинг ҳаммасини била туриб, баъзи кишилар кашандалик дардига бир умрга чалиниб қоладилар.

Чекишга ружу қўйган кишининг юзига тезда ажин тушиб, юз териси хамирдек бўшашади, сўлийди. Тамаки кишини тез қаритади ёки қаримсиқ қилиб қўяди. Тамаки, айниқса аёлларнинг юзидан фаришта-сини олади, надомат қилиб қўяди.

Аниқ илмий манбаларга қараганда, тамаки чекадиган кишининг сочида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй беради: соч хира тортади, синувчан ҳамда чигаллашиб, тугунчалар ҳосил қиладиган бўлиб қолади. Баъзи эркакларнинг сочи бутунлай тўкилиб, кал бўлиб қолиши мумкин. Бунинг сабабн тери ости тўқималарининг қон билан яхши таъминланмаслиги, шунингдек, организмдаги эндокрин безларининг фаолияти бузилишидир.

Энди тамаки таркиби ҳақида маълумотлар билан қисқача таништириб ўтишга тўғри келади. Товар ҳолига келтирилган тамаки таркибида жуда кўп хил химиявий моддалар борки, уларни санаб ниҳоясига етиш қийин. Жумладан, унда энг хавфли алкалоид — никотин миқдори ўсимликнинг навига қараб 7 процентгача бориши мумкин, шунингдек углеводлар, органик кислоталар, оқсил, эфир-мойлари, кислота билан бирлашган алкалоидлар (миосмин ва бошқалар), органик кислоталардан синил, шовул, сирка, чумоли ва валериан кислоталари ҳам мавжуд. Шуни айтиш керакки, тамаки маҳсулотлари таркибида кўрғошин ва висмут каби заҳарли маъданлар ҳам бўлади.

Тамаки ўсимлиги ўсиш даврида атроф муҳитдан ҳар хил зарарли омилларни сингдириб олиш хусусиятига ҳам эга. Шунинг учун ҳам тамаки барги турли зарарли моддалар билан тўйинган бўлади. Энг хавфли — палоний — 210 деб аталувчи радиоактив моддалар: афсоналарда аждаҳо оғзидан ўт сочиб, ўзига яқин йўлаётганларни куйдирганидек, тамаки таркибидаги радиоактив модда ҳам чекувчининг умрини хазон қилиб куйдиради.

Тамаки чекувчиларнинг тишига тамакининг маҳсуллари ўтириб қолиб, тиш сарғаяди, унинг сиртқи эмали шикаст еб, тиш касалликларини келтириб чиқаради. Тишлар нурай бошлайди, чирийди, натижада чекувчи кишининг оғзидан қўланса ҳид аниқиб туради.

Умуман тамаки организмни жиддий зарарлайди, жумладан, овоз торларига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун чекувчи кишиларнинг овозлари дағаллашади, гапининг шираси бўлмайди. Тамаки чекадиган ёшларнинг маданий савияси суст, ёшлик гўзаллиги иллатли бўлади.

Табиат яратган энг мўъжизалардан бири — у ҳам бўлса инсондир. Одам ўзининг ақли, идроки ва гўзаллиги билан бошқа мавжудотлардан таноҳодир. Буюк шоир Абулқосим Фирдавсий шундай деган эди:

Занжирнинг охири
ҳалқаси инсон,
У — калит,
бандларни очади
осон.
Сарвдек тик бошини
кўтармиш магрур,
Борлиғи — яхши сўз,
ақли тафаккур,
Ақл бирла идрок унга
ёр,
Бутун тилсиз олам
фармонига зор.

Инсон шунчалик забардаст борлиқ бўлатуриб ўз саломатлигига чанг солиб, рисоладек аъзоларига путур етказиши, хушруйлигига раҳна тегизиши ниҳоятда ачинарли ҳол. Ҳар қандай мушкул вазиятлардан қаловини топиб ёки мардонавор енгиб чиққан инсон тамаки ҳалқаси сиртмоғига бош киргизмаслиги мумкин-ку!

М. НАБИЕВ,
доришунос.

ТО

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Н. АҲМЕДОВА: Консерваларни оғзи очилгач, қолган қисмини металл қутичаларининг ўзида сақлаш мумкинми?

Жавоб: Йўқ, мумкин эмас. Оғзи очилган консерваларни металл қутичаси билан ҳатто холодильникда ҳам сақлаб бўлмайди. Яхшиси консерванинг ортган қисмини бирон-бир чинни идишга (оғзи ёпиладиган бўлса яна яхши) солиб, холодильникка қўйинг.

* * *

С. СУЛТОНОВ: Преднизалон мазидан қанча муддатгача фойдаланиш мумкин?

Жавоб: Бу ҳақда мутахассис врач билан маслаҳатлашиш, врач қанча фойдаланишни тавсия этган бўлса, шунча муддатгача ишлатиш керак.

* * *

У. АЛИМОВА: Укроп, петрушка ва кашнич сингари кўкатларни қуритиб олишдан олдин ювиш керакми?

Жавоб: Ош кўкатларини овқатга ишлатишдан олдин ҳам, қуритиб олиш учун ҳам албатта совуқ сувда ювиш шарт. Шунда улардаги баъзи микроблар ва чанг-губорлар йўқолади.

* * *

Х. ХАИРИДДИНОВ: Уй-жой қуришда темир йўллардан чиққан эски шпаллардан фойдаланса бўладими?

Жавоб: Йўқ, улардан фойдаланиб бўлмайди, шпалларнинг мустаҳкамлилигини ошириш мақсадида уларга махсус моддалар шимдирилади, бу моддалар кейинчалик бугланиб, одам саломатлигига таъсир этиши мумкин.

* * *

Б. БАҲОДИРОВ: Пивони мунтазам ичиб туриш сиҳат-саломатликка зиён қиладими?

Жавоб: Спиртли ичимликлар қатори пиво ҳам инсон организмига зарарлидир. Мунтазам пиво ичиш эса юрак ҳажмининг катталашиб кетишига, шу билан бирга ғоят семириб, хасталанишга олиб келади.

* * *

С. АЗИМОВ: Баъзи кишилар қулоқни гугурт чўпи билан тозалашади, шу тўғрими?

Жавоб: Гугурт чўпи, шпилка ва шунга ўхшаш ёт нарсалар билан қулоқ ичини тозалаш яхши эмас, бунда қулоқ пардасига жиддий шикаст етиши, микроблар тушиши мумкин. Мабодо зарурият туғилиб, эшитиш йўлига кир (сера) йиғилиб қолган бўлса, буни фақат ЛОР врачи тозалайди.

* * *

М. МУЗАФФАРОВА: Болаларга қайнамаган сут ичириш мумкинми?

Жавоб: Хом, стерилизация қилинмаган сутни фақат болалар эмас, балки катталарнинг ҳам ичишларига рухсат этилмайди. Болаларга бериладиган сутни, ҳатто у стерилизация қилинган бутилка ёки пакетда бўлса-да, яна бир бор қайнатиб, сўнг ичириш керак.

* * *

Н. МЎМИНОВА: Доривор ўсимликларни термосга солиб дамласа бўладими?

Жавоб: Ҳа, термосда ҳам дамлама чинни чойнакдагидек сифатли бўлаверади.

* * *

И. ИКРОМОВ: Қайнамаган сув ичиш қабзиятдан халос этади, деб эшитдим, шу тўғрими?

Жавоб: Бир стакан (жуда совуқ бўлмасин) хона ҳароратидаги қайнаган ва қайнамаган (водопровод) сувини эрта наҳорга ичиш ичаклар ҳаракатини оширб, қабзиятдан анча ҳоли этади.

Жавобларни шифокор **Қутбиддин НИЗОМОВ** тайёрлаган.

(Газетанинг навбатдаги сони 8 июнда чиқади)

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент бет оқшоми

8 ИЮНЬ 1984 й.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ЁНҒИН МУҲОФАЗАСИ БОШҚАРМАСИ ВА
ШАҲАР КЎНГИЛЛИ ЁНҒИН МУҲОФАЗАСИ ЖАМИЯТИ

КАРИКАТУРАЛАР КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

СОВЕТ ЁНҒИН МУҲОФАЗАСИНИНГ 66 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
ВИКТОРИНА ЎТКАЗАДИ

Тўғри жавоблар ёзиб юборган дастлабки ўн беш киши Ўзбекистон ВЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг ёрлиқлари ва қимматбаҳоли эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Жавобларингизни 1984 йилнинг 1 августидан кечикмаган ҳолда юборишингизни сўраймиз.

1. Совет ёнғин муҳофазаси тарихи қайси кундан бошланган ва у қайси ҳужжатда белгилаб берилган? Бу ҳужжатни ким имзолаган? _____

2. Сиз ёнғин муҳофазаси мутахассисларини тайёрлаш бўйича қандай ўқув юртларини биласиз? Уларнинг сони қанча? Улар Совет Иттифоқининг қайси районларида жойлашган?

3. Ёнғин келиб чиқишининг кенг тарқалган сабабларини айтиб беринг. Уларнинг олдини олишда ёнғин муҳофазаси хавфсизлигининг қандай қоидаларига риоя этиш лозим?

4. Пионер лагерларида, туристик базаларида, дам олиш зоналарида ёнғин чиқиш ҳоллари юз берганида биринчи навбатда қандай тадбирларни кўриш лозим? _____

5. Сиз ёнғин ўчирадиган дастлабки воситаларнинг қай бирини биласиз? Уларнинг номини ёзиб кўрсатинг; уларнинг тузилиши ва мақсади ҳақида ёзиб кўрсатинг?

6. Сиз ёнғинни ўчириш пайтида кўрсатилган жасорат ҳақида қайси бадиий асарларни, қўшиқларни биласиз? Ана шу асарларнинг номлари ва уларнинг муаллифлари номларини ёзиб кўрсатинг? _____

7. Ишчи, хизматчи, ўқувчи қайси кўнгилли ёнғин муҳофазаси отрядларига аъзо бўлиши мумкин? Бу отрядлар қандай вазифаларни бажарадилар? _____

Сизларнинг хатларингизни кутамиз. Жавобларни қуйидаги адресга юборинг: 700017, Тошкент шаҳри, Ленин проспекти, 17-уй, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг Ёнғин муҳофазаси бошқармаси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ СССР 60 ИЙЛЛИГИ НОМИДАГИ КИЕВ ГРАЖДАН-АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
1984 йилда
1-ҚУРСЛАРГА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ФАКУЛЬТЕТЛАР:

МЕХАНИКА (ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой) —**икки мутахассислик бўйича:**
учиш аппаратлари ва двигателларидан фойдаланиш;
самолет ва двигателларни учишга тайёрлаш— инженер-механикларини тайёрлайди.

АВИАЦИЯ РАДИОЭЛЕКТРОН ҚУРИЛМАЛАРИ (ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой) — **уч мутахассислик бўйича:**
Учиш аппаратлари радиоэлектрон қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш;
аэропортларнинг радиолокацион ва радионавигацион системаларига техник хизмат кўрсатиш,
аэропортларнинг алоқа системаларига техник хизмат кўрсатиш —радиоинженерларини тайёрлайди.

АВИАЦИОН ҚУРИЛМАЛАР (ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой)— **уч мутахассислик бўйича:**
авиация приборлари ва учиш аппаратлари электр қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш;
учувчилик-навигация комплекслари бортларида техник хизмат кўрсатиш;
аэропортларнинг электр қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш инженерларини тайёрлайди.

АВТОМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ (ўқиш муддати — 5 йил) —**электрон-ҳисоблаш машиналари мутахассислиги бўйича икки йўналишда инженер—системотехниклар тайёрлайди:**
электрон-ҳисоблаш машиналарига хизмат кўрсатиш,
авиацион тренажларга хизмат кўрсатиш.

БОШҚАРИШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН СИСТЕМАЛАРИ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШДА ИНЖЕНЕР-СИСТЕМОТЕХНИКЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:
ҳаво ҳаракатини бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларига хизмат кўрсатиш;
бошқариш ва учиш ахборотларини қайта ишловчи ҳисоблаш комплекслари.

ИНЖЕНЕРЛИК-ЭКОНОМИКА (ўқиш муддати —5 йил)— **икки йўналишда инженер-иқтисодчиларни тайёрлайди:**
коммерция ишларини ташкил этиш ва планлаштириш;
моддий-техника таъминотини ташкил этиш ва планлаштириш.

АЭРОПОРТЛАР (ўқиш муддати — 5 йил)— **аэродромлар қуриш мутахассислиги бўйича инженер-қурувчиларни тайёрлайди.**

АВИАЦИЯ ЕР ТЕХНИКАСИ—**икки мутахассислик бўйича инженер-механикларни тайёрлайди:**
аэропортларнинг автоматлаштириш ва механизациялаш воситаларига техник хизмат кўрсатиш (ўқиш муддати — 5 йил);
ёнилғи-мойлаш материалларини синовдан ўтказиш ва уларни қўлланиш (ўқиш муддати — 5 йилу 6 ой).

ЎҚИШГА ЎРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, СОҒЛИҒИГА КЎРА ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИДА ИШЛАШГА ЯРОҚЛИ 35 ЁШДАН ОШМАГАН ШАҲСЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚУЙИДАГИ ФАКУЛЬТЕТЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР: **инженерлик-экономика, автоматика ва ҳисоблаш техникаси, аэропортлар.**

Яхши ўзлаштиришга эришган студентлар I, II, III, IV курсларда 40 сўм миқдорида, V, VI курсларда 45 сўм миқдорида стипендия билан таъминланади. Барча студентлар 25 процент ҳақини тўлаган ҳолда формали кийим-бош билан таъминланадилар.

Студентларнинг кўпчилик қисми ётоқхона билан таъминланади.

АРИЗАЛАР 20 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асл нусхаси), характеристика (корхона раҳбари тасдиқлаган), медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Медицина тасдиғидан ўтказиш қабул комиссиясининг йўлланмасига кўра кириш имтиҳонларидан олдин амалга оширилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ҚУЙИДАГИ ФАНЛАР БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИ: **математика** (ёзма ва оғзаки), **физика** (оғзаки), **рус тили ва адабиёти** (ёзма).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш ва медицина тасдиғидан ўтказиш институт қабул комиссияси томонидан қуйидаги адрес бўйича амалга оширилади: 700033, Тошкент шаҳри, 33-алоқа бўлими, Гоголь кўчаси, 77-уй, Киров граждан авиацияси инженерлари институти филиали.

Кириш имтиҳонларини топшириш вақтида барча абитуриентларга ётоқхона берилади.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН АЭРОПОРТЛАРНИНГ КАДРЛАР БЎЛИМИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН.

ҲАР БИР ЛИБОСНИНГ БЕЗАГИ БОР

БУНДАЙ БЕЗАКЛАР КЎЙЛАК ЁКИ КОСТЮМНИНГ ГЎЗАЛЛИГИГА ЖОЗИБА БАХШ ЭТАДИ

Энг муҳими шундаки, безак сизнинг либосингиз хусусиятига ҳамоҳанг бўлмоғи лозим. У либосларнинг ранги ва шаклига мос бўлиши керак. Агарда безак ҳар куни кийиладиган кўйлак учун мўлжалланган бўлса, у унчалик қиммат бўлмаслиги даркор.

ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ОЛТИН СУВИ ЮРИТИЛГАН АРЗОН МЕТАЛЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН БЕЗАКЛИ ЗИЙНАТ БУЮМЛАР БУГУНГИ КУННИНГ ТАЛАБЛАРИГА ТЎЛА ЖАВОБ БЕРА ОЛАДИ.

Бу буюмлар ёшлар учун махсус аталган: зираклар, кулонлар, тўғноғичлар, браслетлар.

Агар сизнинг бисотингизда бундай безак буюмларнинг бир талай мажмуаси бўлса, сиз ҳамиша жозибали ва башанг кийинган бўласиз!



ВНИИювелирпром.



ЎҒИЛ ВА ҚИЗЛАРГА —
ЖОКЕЙКА ВА ПАНАМКАЛАР!

ЎРТА ОСИЁНИНГ ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ ШАРОИТИДА АЙНИҚСА, БУ БОШ КИЙИМЛАРИ БОЛАЛАРГА ҒОЯТДА ЗАРУР.

Охунбобоев номидаги бош кийимлари фабрикасида ип-газламадан тайёрланиб, бантик ва эмблемалар билан безакланган қизил, зангори, мошранг жокейка ва панамалар ишлаб чиқарилмоқда.

Бу бош кийимлари енгил ювилади, яхши дазмолланади ва дастлабки шаклини йўқотмайди.

Сиз Тошкент Марказий универсал магазини ва шаҳарнинг бошқа магазинларидан болалар учун жокейка ва панамалар сотиб олишингиз мумкин.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Марказий лойиҳа-конструкторлик-технология бюроси (телефон 41-54-21).

СИФАТ БЕЛГИСИГА САЗОВОР БЎЛГАН ПОЙАФЗАЛЛАРНИ

ҚЎҚОН ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«олтин ранг»ли хромдан чиройли безакланган, таглиги — чидамли полиуретанли, велюрдан тикилган аёлларнинг модали туфлиси.

Баҳоси — 38 сўм 48 тийин;

енгил ғовакли тагчармли, ёрқин тусли чармдан манзарали бант билан тикилган ўғил болалар ва эркаклар спорт полуботинкаси.

Баҳоси — 6 сўм 95 тийин;

уч қиррали пошнали қизлар туфлиси.

Баҳоси — 6 сўм 95 тийин.

БУ МОДЕЛЛАРНИНГ ҲАММАСИГА ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИСИ БЕРИЛГАН.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Марказий лойиҳа-конструкторлик-технология бюроси (телефон 41-54-21).



«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

ЧОРШАНБА

6 ИЮНЬ

● МТ I
18.00 Концерт залида — мактаб ўқувчилари.
18.45 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Пушкин уйида». Телефильм премьераси.
20.20 «Касби — терговчи». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР кубоги. Ярим финал. «Зенит» (Ленинград) — «Факел» (Воронеж).
23.45 «Дунё воқеалари».
● МТ II
18,30 Янгиликлар.
18.45 «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Фронт». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 Арно Бабажаняннинг фортепьяно ижроси учун 6 та пьесаси.
19.30 «Олтин қумлар» авторалликси. Болгариядан олиб кўрсатилади.
20.00 — 20.30 «Биз қўшиқларда қоламиз». Концерт.
20.45 «Дўстларимиз чеҳраси».
21.30 «Время».
22.00 «Сергеев Сергеевни излаяпти». Телевизион бадиий фильм.
23.05 СССРда II Халқаро музика фестивалининг қоидалари.
● Ўз ТВ I
19.10 КПСС Марказий Комитети июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! Тошкент абразив комбинати коллективининг халқ хўжалиги план ва социалистик мажбуриятларининг бажарилишини идеологик таъминлаш (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ контроли экрани».
20.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёшлар куйлаганда...» Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ғўза парваришига — аъло сифат».
22.15 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия.
23.20 Янгиликлар.
● ЎзТВ II
18.10—18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.45 «Северний» юмушлари». Телефильм.
19.15 «Ким бўлсам экан?» (рус.).
19.40 «Онагинам Тина». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Тошкент шаҳар Ҳамза райони (рус.).
20.50 «Шахсий масала». Телефильм.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА

7 ИЮНЬ

● МТ I
9.00 «Время».
9.40 «Закарпатье жилолари». Концерт.
10.00 Телефильмлар: «Велта Лине», «Геннадий Райшив оламми».
10.45 «Касби — терговчи». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
11.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Денгизга чиқамиз». Телефильм.
15.40 Болалар учун фильм. «Буюк жасорат». 2-серия.
16.50 В. А. Моцарт. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 27-концерт.
17.25 «Шахмат мактаби».
17.55 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.40 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономикани бошқариш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Футбол бўйича СССР кубоги. Ярим финал. «Динамо» (Минск)—«Динамо» (Москва).
20.15 «Касби — терговчи». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Пушкинга бағишланади». «Поэзия» альманахи.
22.55 «Дунё воқеалари».
23.10 Бесси Аргираки куйлайди (Греция).
● МТ II
9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Мардлик сабоқлари». Телефильм премьераси.
9.40 «Сергеев Сергеевни излаяпти». Телевизион бадиий фильм.
10.45 — 11.15 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
11.45 А. Линдгрен. «Кичкинтой ва қайсики томда яшайдиган Карлсон». Фильм-спектакль.
13.15 «Фан ва техника». Киножурнал.
13.25 «Сўнгги қурбон». Бадиий фильм, субтитр билан.
15.00 «Сиз бунга қодирсиз».
15.45 «Чемпионнинг мактаби» Телефильм.
16.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Фронт орти». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 «Қишлоқ янгиликлари».
20.15—20.30 «Жастов усталари». Телеочерк.
20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» —«Қайрат».
21.30 «Время».
22.05 «Воҳа ўт ичида». Бадиий фильм.
23.10 Л. Бетховен. «Эгмонт» увертюраси. Гевандхауз оркестри ижро этади. Дирижёр — К. Мазур (ГДР).
23.20 Автомобиль спорти бўйича халқаро мусобақалар.
23.40 Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича СССР чемпионати.
● Уз ТВ I
10.00 «Ахборот».
10.20 Қўғирчоқ фильм.
10.50 «Бор эканда, йўқ экан...» Фильм-концерт.
11.30 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.).
12.25 «Қанотлар», «Волгадан Донгача». Телефильмлар.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат...»
19.00 Пушкинхонлик. «Кавказ асири».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Калейдоскоп». Катталар учун мультфильм.
20.00 «Ишга туширилаётган қурилишлар — сафга». Бухоро тўқимачилик ва Андижон ип-газлама комбинатлари коллективларининг йўқламаси (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Сенинг номинг билан, комсомол!» Ўзбекистон композиторларининг асарлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 12-серия.
23.50 Янгиликлар.
● ЎзТВ II
9.00—16.20 МТ II
18.10—18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.45 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
19.30 Реклама.
19.40 «Қиролича» билан суҳбат. Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Болалар невропатологияси ва психиатриясига оид актуал масалалар бўйича Бутуниттифоқ конференцияси (рус.).
20.50 «Умидим», «Парвоз». Телефильмлар.
21.30 МТ II

«Главташпассавтотранс»нинг 2-автобус паркига берилган ГТ-1 серядаги 2063703 ва 2063767 номерли меҳнат дафтарчаларининг йўқолган

ТОЗА БЛАНКИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат педагогика институти томонидан **Юсупова Муҳаббат Маҳмудовна** номига берилган 330698 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳридаги 171-ўрта махсус билим юрти томонидан **Абдалиев Қодир Зоирович** номига берилган 294486 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

---

meamo

НАВОИЙ номли ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 6/VI ... **дил достони**, 7/VI ... **бозлар.**

ҲАМЗА номли ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 6/VI ... 7/VI да **Отелло.**

Кино

6 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ТИРИКЛАЙИН ... ОЛИШ БУЮРИЛАН... **Чайка** (жуфт соатларда, ... фон 77-06-20, **Ватан** ... соатларда), **Қозғистон** ... ва тоқ соатларда, ... 35-24-92), **ВЛКСМ** (30 ... (жуфт соатларда, ... 44-52).

«ХАТОЛАРДАН ... УТМИШ» — **Дружба** ... тоқ соатларда, телефон ... 75).

«САЛАМАНДРА» — ... (тоқ соатларда, телефон ... 70-69), **Тинчлик** (жуфт ... ларда, телефон 58-36-06).

«СЕМЕН ДЕЖНЕВ ... **Искра** (жуфт соатларда, ... фон 39-14-59), **Ҳамза** ... телефон 32-78-02).

«ВАҲИМА ҚИЛМАНГ, ... ЙОР ҚАРДОШ!» — ... **Советининг 50 йиллиги** ... (жуфт соатларда, ... 78-47-25), **Москва** (тоқ ... ларда, телефон 35-... **Восток** (жуфт соатларда, ... фон 91-14-61).

«АЙВДОР ДЕВ ... СИН» — **Лисунов** номли ... соатларда, телефон 96-...

7 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ТИРИКЛАЙИН ... ОЛИШ БУЮРИЛАН... **Чайка** (жуфт соатларда, ... фон 77-06-20, **Ватан** ... ва тоқ соатларда, ... 35-24-92).

«ХАТОЛАРДАН ... УТМИШ» — **Дружба** ... тоқ соатларда, телефон ... 75).

«САЛАМАНДРА» — ... (21.40, телефон 32-78-02), ... лик (жуфт соатларда, ... 58-36-06).

«СЕМЕН ДЕЖНЕВ ... **кра** (жуфт соатларда, ... 39-14-59), М. Шайтмо... (телефон 42-39-74).

«ВАҲИМА ҚИЛМАНГ, ... ЙОР ҚАРДОШ!» — ... **Советининг 50 йиллиги** ... (жуфт соатларда, ... 78-47-25).

«БЎРИ УЯСИ» — ... **номли** (11, 14, 17, 20.0... фон 96-34-02), Восто... 13.30, 16, 18.30, 21.0... фон 91-14-61).

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. В. ДОКУЧАЕВ НОМИДАГИ ТУПРОҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

СИРДАРЁ ТАЖРИБА ПУНКТИ БЎЙИЧА

тупроқшунослик (фан номзодлиги дидати) бўйича катта ... ходим

ВАКАНТ ВАЗИФАСИ

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ариза ва ҳужжатлар ... титут директори ... қуйидаги адрес ... юборилсин: 109017, ... шаҳри, Ж-17, ... переулоги, 7-уй.

ТЕХНИК-ЧИЗМАЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН

11 ОЙЛИК КУРСЛАР

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Курсларга 8—10 ... ҳажмида маълумот... ундан катта ёшда ... тошкентлик қизлар ... имтиҳонларсиз қабул ... нади.

Ўқувчиларга ҳар ой... сўмдан стипендия тў...

Ариза ва ҳужжатла... августгача қабул қили...

Мурожаат учун ... Тошкент шаҳри, Гогол... часи, 93-уй, кадрлар бў... (5, 26, 37, 52, 133-ав... лар; 2, 3, 4, 13, 14, 2... 28-трамвайларнинг ... шев кўчаси» бекати).

«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ЎҚУВ КОМБИНАТИ

Новоангренск ГРЭСлишида ишлаш учун ... ва темир-бетон конструкц... ри монтажчиси ҳамда ... майдонларининг ... тёрларини тайёрлайдиган ... ларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қабул қилинганлар ... билан таъминланадилар, ... уларга ҳар ойда 75 ... стипендия берилади.

Иш даврида ёлғизлар ... жиҳозланган ётоқхона ... лар. Оилаларга навбат... лан квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: ...

Оҳангарон райони, ... пренск ГРЭСи кўчалари, ...

Тошкент шаҳри, ... 40 йиллиги кўчаси, 38-... Телефон 66-09-02.

---

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6 ИЮНЬ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-54-19; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг назоратчилари — 33-90-50

Р. 09291. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10